

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

20-сон
(884)
2019 йил
20 май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

367. «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон Фармони
368. «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон Фармони
369. «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сон Фармони
370. «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги ПФ-5719-сон Фармони

371. «Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4319-сон қарори

Учинчи бўлим

372. «Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 392-сон қарори
373. «Мехнат бозорида талаб юкори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 394-сон қарори
374. «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларини татбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 395-сон қарори

Бешинчи бўлим

375. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2019 йил 19 апрелдаги 80-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3019-1*)
376. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги 14, 16-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3096*)
377. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 22 апрелдаги 54,

2019/31-1, 7, 2019-18, 01-02/8-23-сон «Тасдиқланган Махаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2697-2*)

378. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартағи 5/24-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 905-5*)
379. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 52, 2019-19, 8-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2822-3*)
380. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 15 апрелдаги 7/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1863-7*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқукий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида 2019 йил 11 майдан 17 майгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

367 Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

2016 — 2018 йилларда ипотека кредити амалиётининг кенгайиши 82 мингдан ортиқ уй-жойларнинг фойдаланишга топширилишини таъминлади, бунинг натижасида мамлакатимизнинг барча худудларидаги 400 мингга яқин фуқаролар тураган жой шароитларини яхшилашга эришди.

Қишлоқ жойларда арzon уй-жойлар ва шаҳарларда кўп қаватли уйлар, ёш оиласарга, ҳарбий хизматчиларга, бюджет ташкилотлари ходимлари ва аҳолининг бошқа тоифалари учун уй-жойлар қуриш бўйича давлат мақсадли дастурларини (кейинги ўринларда — мақсадли дастурлар) изчил амалга ошириш давом этмоқда. Мазкур мақсадлар учун республиканинг тиҷорат банклари томонидан жами 10 триллион сўмдан ортиқ ипотека кредитлари берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз уй-жой секторини ривожлантириш зарурати ипотека кредитларини тақдим этиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг барча қатламлари учун бозор тамойиллари асосида ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш юзасидан қўшимча чоралар кўриш талаб этилмоқда.

Аҳолининг турмуш даражасини изчил ошириш, ипотека кредити механизмларидан фойдаланиш амалиётини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ва қурилиш индустрисини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар ва рафбатлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Осиё тараққиёт банки (кейинги ўринларда — ОТБ) билан биргаликда Ўзбекистонда ипотека бозорини ривожлантириш дастурини 2019 — 2021 йилларда амалга ошириш концепцияси ишлаб чиқилганлиги, унинг доирасида бозор тамойиллари асосида узоқ муддатли барқарор ипотека молиялаштириш тизимини яратиш учун ОТБ томонидан 200 млн АҚШ доллари микдоридаги карз маблаглари ажратиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банки ва тиҷорат банкларининг:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бошланғич ус-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 майда эълон қилинган.

тав капитали миқдори 25 млрд сўм бўлган акциядорлик жамияти шаклида-
ги Ипотекани қайта молиялаштириш компаниясини (кейинги ўринларда —
Компания) таъсис этиш;

республика тижорат банклари ва бошқа юридик шахсларга ихтиёрий
равишда Компаниянинг таъсисчилари бўлиш хуқуқини бериш тўғрисидаги
таклифларига розилик берилсан.

Куйидагилар Компаниянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни, шу
жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий хукумат молия таш-
килотларининг (кейинги ўринларда — ХМИ ва XXMT) маблағларини жалб
килиш ва кейинчалик уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга
йўналтириш;

ахолининг арzon уй-жойларга ўсиб бораётган эҳтиёжини қаноатланти-
риш учун бозор тамоиллари асосида тижорат банкларига молиявий ресурс-
лар тақдим этиш;

шу жумладан ипотека қимматли қофозларини чиқариш ва уларни ин-
весторлар орасида жойлаштириш;

ипотека кредити тизимини такомиллаштиришга қўмаклашиш, ипотека
бозорини ривожлантиришнинг замонавий услублари ва воситаларини тат-
биқ этиш, ипотека кредити ва ипотека қимматли қофозлар бозорида хавф-
ларни камайтириш ва ликвидликни ошириш;

ипотека кредити ва қайта молиялаштириш соҳасида, шу жумладан
хорижий эксперт ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда методологик ва
норматив-хуқуқий базасини ишлаб чиқишида иштирок этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уч ой муддатда Компа-
ния фаолиятини ташкил этишга техник қўмаклашиш (грант) маблағлари-
ни ажратиш масаласини ОТБ билан кўриб чиқсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Компания томонидан ипотека кредитларини
қайта молиялаштириш куйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Компания акциядорлар маблағларини ҳамда ХМИ ва XXMTнинг қарз
маблағларини, шунингдек, қимматли қофозлар чиқариш орқали маҳаллий ва
халқаро капитал бозорларидағи узок муддатли ресурс маблағларни жалб
этади;

б) Компания жалб қилинган маблағларни Компания томонидан ўрна-
тиладиган малакавий талабларга мос келувчи тижорат банкларига кредит
ресурсларини ажратиш йўли билан қайта молиялаштиради;

в) тижорат банклари Компания томонидан белгиланган шартларда қарз
олувчиларга ипотека кредитларини тақдим этади;

г) тижорат банклари ипотека кредитлари, ипотека шартномалари бўйича
талаф хуқуқларидан ёки гаров хатлари бўйича хуқуқлардан Компания фой-
дасига воз кечади;

д) Компания тижорат банклари билан хуқуқлари аввал Компанияга
ўтказиб берилган ипотека кредитига хизмат кўрсатиш шартномасини ёки
гаров хатларини ишончли бошқарувга бериш шартномасини тузади;

е) тижорат банклари қарз олувчилар ва ипотека берувчилар томони-

дан кредит шартномалари ва ипотека шартномаларининг Компания фойда-сига лозим даражада бажарилишини таъминлайди.

Компания томонидан ипотекани қайта молиялаштиришнинг қонунчиликка зид бўлмаган бошқа шакллари ҳам татбиқ этилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикасида 2019 — 2021 йилларда ипотека кредити тизимини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

а) 2020 йил 1 январдан бошлаб, мақсадли дастурлар ижроси доирасида куйидагилар назарда тутилган янги шартларда ипотека кредитлари ажратиши:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан иштирок этувчи банкларга ажратилаётган кредит ресурслари ҳамда ахолига берилаётган ипотека кредитлари бўйича имтиёзли даврни 1 йилгача қисқартириш;

кредитдан фойдаланишнинг биринчи 5 йили давомида ҳар йили фоиз ставкасини қатъий белгиланган 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача босқичмабосқич ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида белгилаш;

ипотека кредитлари фоизларини аннуитет тўловлари формуласи бўйича ҳисоблаш тартибини татбиқ этиши (ойлик тўлов асосий қарз қолдигига ҳисобланган фоизлар бўйича тўлиқ тўловни ҳамда кредитнинг бир қисмини ўз ичига олади, бу шундай ҳисоблашни назарда тутадики, ҳар ойлик барча тўловлар кредит тўлашнинг бутун даврида бир хил бўлади);

б) конун ҳужжатларида белгиланган малакавий талабларга жавоб берадиган юридик шахсларга мақсадли дастурларни амалга оширишда буюртмачи ёки бош пурдатчи сифатида қатнашиш ҳуқукини бериш;

в) мақсадли дастурларни амалга оширишда иштирок этаётган тижорат банклари сонини ошириш;

г) мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида уй-жойлар ва квартиralарни таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун кредитлар бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида уй-жойларни харид қилишга талабгор жисмоний шахсларни уй хўжаликларининг даромади, курилиш майдони, қўчмас мулк қиймати нархлари ва бошқа шартлардан келиб чиққан ҳолда танлаб олишнинг янгиланган тартиби ва мезонларини тасдиқлаш бўйича норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига киритсан.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. 2020 йил 1 январдан бошлаб мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида тақдим этилган қўшилган қиймат солиги бўйича амалдаги имтиёзлар бекор қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 2019 йил 1 декабрга қадар мақсадли дастурларни амалга ошириш самарадорлигини хар томонлама баҳолаш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида қўйидагилар бўйича таклифлар киритсин:

а) қўйидагиларнинг амал қилишини бекор қилиш:

бош пудрат ташкилотлари, пудрат ташкилотлари ва субпудрат ташкилотларига, қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва автотранспорти ишлаб чиқарувчи ташкилотларга, шунингдек, уларни ташибида қатнашадиган ташкилотлар, ишлар (хизмат) кўрсатиш корхоналари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, транспорт корхоналари, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ, «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ, «Ўзсаноатэкспорт» АЖ ҳамда «Тошкент қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖга берилган солик имтиёзлари (қўшилган қиймат солигидан ташқари);

жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиги бўйича имтиёзлар;

б) якка тартибдаги уй-жой ёки кўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати 300 миллион сўмдан ошмаган тақдирда, олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтириладиган ва солик солинадиган жисмоний шахслар ва улар оила аъзоларининг (бирга қарз олувчилар) жами 15 миллион сўмгача бўлган иш ҳаки ва бошқа даромадлари суммаси солик давомида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигига тортилмаслигини кўзда тутувчи тартибни ўрнатиш;

в) бекор қилинаётган солик имтиёзлари ўрнига уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож шахслар ва қонун билан белгиланадиган фуқароларнинг бошқа тоифаларига ипотека кредити бўйича бошланғич бадал ва (ёки) фоизларни тўлаш учун субсидиялар бериш.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Кўчкоров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари Г.К. Сайдова медиа-режани тасдиқласин ва аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини, хусусан ипотека кредитлари беришнинг янги шартлари ҳамда мазкур Фармонда кўрсатилган бошқа масалаларни ёритиш бўйича мавзуга оид студиядаги ва сайёр туркум телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ташкиллаштирисин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида бошқарув ходимларининг 12 та штат бирлигини қўшимча ажратган ҳолда Арzon уй-жойлар қуриш давлат мақсадли дастурларини мувофиқлаштириш ва молия бозори воситаларини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилсин.

Бошқарманинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

мақсадли дастурлар ижроси самарадорлигини таҳлил қилиш ва мониторингида иштирок этиш, улар бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

мақсадли дастурларни амалга ошириш тадбирларини молиялаштириш-

ни таъминлаш, ипотека кредити бозорини ривожлантиришга ХМИ ва XXMT маблағларини жалб этишда иштирок этиш;

молиявий институтлар билан ҳамкорликда қимматли қоғозларни ва молиявий воситаларни тартибга солиш соҳасида норматив-хукуқий базани такомиллаштириш бўйича, шу жумладан илфор жаҳон тажрибасини ва корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини инобатга олган ҳолда таклифлар тайёрлаш;

мақсадли дастурларни амалга ошириш доирасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, белгиланган тартиб-таомиллар ва қўлланилаётган механизмлар тўғрисида жамоатчиликни кенг хабардор қилишни ташкил этиш.

13. 2019 йил 1 январга қадар қурилишга рухсат этилган уй-жой фонди обьектларини (2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш дастурига, 2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арzon кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурига киритилган обьектлар бундан мустасно) бирламчи уй-жой бозорида реализация қилиш обороти 2020 йилнинг 1 январига қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Белгилансинки, ушбу Фармоннинг 2-иловаси З-банди «б» кичик бандида назарда тутилган ўзгартириш 2019 йил 1 октябрдан кучга киради.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчкоров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 май,
ПФ-5715-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 13 майдаги
ПФ-5715-сон Фармонига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатлариiga киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойихалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2639-сон қарорининг 12-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойихалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш дастури доирасида:

а) 2020 йил 1 январгача:

пудрат ташкилотлари — «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида массивларда уйлар, сув таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуриш бўйича ишлар ҳажмлари учун;

курилиш материаллари ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек, уларни ташийдиган ташкилотлар — фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уйлар қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖга ва «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ билан шартномалар тузган бош пудрат ташкилотларига қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни реализация қилиш ва уларни ташиш (жумладан импорт материалларни) ҳажмлари учун;

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ;

«Қишлоқ қурилиш лойиха» МЧЖ — «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ билан тузилган шартномалар бўйича уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектларини қуриш бўйича бажарилган лойиха-қидирав ишлари ҳажмлари учун;

«Ўзсаноатэкспорт» АЖ — 7-иловага мувофиқ республикада ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган ёроч-тахта материаллари, томга ёпиладиган металл листлар учун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича бошка қурилиш материаллари учун, шу жумладан улар «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖга сотилганда;

«Тошкент қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖ ва транспорт корхоналари — металл листларни қайта ишлаш ва уларни «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖга етказиб бериш бўйича ишлар ҳажмлари учун қўшилган қиймат солиги тўлашдан озод этилсин;

б) 2022 йил 1 январгача:

пудрат ташкилотлари — «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида массивларда уйлар, сув таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари

куриш бўйича ишлар ҳажмлари учун соликлар тўлашдан (қўшилган киймат солиғидан ташқари);

субпудрат ташкилотлари — массивларда уйлар, сув таъминоти обьектлари ва автомобиль йўллари қуришга «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ билан шартномалар тузган бош пудрат ташкилотлари билан тузилган контрактлар бўйича улар томонидан бажариладиган ишлар ҳажмлари учун ягона солик тўлови тўлашдан;

курилиш материаллари ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек, уларни ташийдиган ташкилотлар — фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уйлар қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖга ва «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ билан шартномалар тузган бош пудрат ташкилотларига қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни реализация қилиш ва уларни ташиш (жумладан импорт материалларни) ҳажмлари учун ягона солик тўлови тўлашдан;

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ — соликлар тўлашдан (қўшилган киймат солиғидан ташқари);

«Ўзсаноатэкспорт» АЖ — 7-иловага мувофиқ республикада ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган ёғоч-тахта материаллари, томга ёпиладиган металл листлар учун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича бошқа қурилиш материаллари учун божхона тўловлари тўлашдан (қўшилган киймат солиғи ва божхона йиғимларидан ташқари);

«Тошкент қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖ ва транспорт корхоналари — металл листларни қайта ишлаш ва уларни «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖга етказиб бериш бўйича ишлар ҳажмлари учун ягона солик тўлови тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ушбу қарорда назарда тутилган солик ва божхона имтиёзларининг тўғри қўлланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арzon кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2660-сон қарорининг рус тилидаги матнининг 17-банди қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«17. Освободить, в рамках реализации Программы:

а) физических лиц (заемщиков) от уплаты налога на имущество по приобретенным квартирам до погашения ими ипотечного кредита, предоставленного АКИБ «Ипотека банк», АКБ «Узпромстройбанк» и АКБ «Асака банк»;

б) сроком до 1 января 2020 года от уплаты налога на добавленную стоимость:

генеральные подрядные и субподрядные организации — в части объемов работ, осуществляемых ими по строительству и реконструкции обьектов многоквартирных домов на условиях «под ключ»;

организации-производителей строительных материалов, оборудования, строительной техники и автотранспорта (на территории республики) — в

части реализуемых ИК «Ўзшахар қурилиш инвест» и подрядным организациям объемов строительных материалов, оборудования, строительной техники и автотранспорта для строительства и реконструкции объектов многоквартирных домов на условиях «под ключ»;

генеральные подрядные организации — за ввозимые для строительства и реконструкции объектов многоквартирных домов сырье, изделия, узлы, конструкции, строительные материалы, строительную технику и оборудование, а также запасные части к ним, автотранспортные средства, включая дорожно-строительную технику, по перечням, утверждаемым в установленном порядке;

организации-импортеров — за импортируемые строительные материалы, сырье, изделия, узлы и конструкции, включая пиломатериалы и кровельные металлические листы, пассажирские лифты, индивидуальные котлы, оборудование и запасные части к ним, в том числе комплектующие детали и материалы для их производства (или сборки), а также в части поставок импортируемых товаров в адрес ИК «Ўзшахар қурилиш инвест» и генеральных подрядных организаций;

организации, выполняющие работы (услуги), включая нерезидентов Республики Узбекистан, — в части, связанной с реализацией Программы;

ИК «Ўзшахар қурилиш инвест»;

в) сроком до 1 апреля 2021 года:

генеральные подрядные и субподрядные организации — от уплаты налогов (за исключением налога на добавленную стоимость) в части объемов работ, осуществляемых ими по строительству и реконструкции объектов многоквартирных домов на условиях «под ключ»;

организации-производителей строительных материалов, оборудования, строительной техники и автотранспорта (на территории республики) — от уплаты единого налогового платежа в части реализуемых ИК «Ўзшахар қурилиш инвест» и подрядным организациям объемов строительных материалов, оборудования, строительной техники и автотранспорта для строительства и реконструкции объектов многоквартирных домов на условиях «под ключ»;

ИК «Ўзшахар қурилиш инвест» и генеральные подрядные организации — от уплаты таможенных платежей (за исключением налога на добавленную стоимость и таможенных сборов) за ввозимые для строительства и реконструкции объектов многоквартирных домов сырье, изделия, узлы, конструкции, строительные материалы, строительную технику и оборудование, а также запасные части к ним, автотранспортные средства, включая дорожно-строительную технику, по перечням, утверждаемым в установленном порядке;

организации-импортеров — от уплаты таможенных платежей (за исключением налога на добавленную стоимость и таможенных сборов) за импортируемые строительные материалы, сырье, изделия, узлы и конструкции, включая пиломатериалы и кровельные металлические листы, пассажирские лифты, индивидуальные котлы, оборудование и запасные части к ним, в том числе комплектующие детали и материалы для их производства (или

сборки), а также единого налогового платежа в части поставок импортируемых товаров в адрес ИК «Узшахар курилиш инвест» и генеральных подрядных организаций;

организации, выполняющие работы (услуги), включая нерезидентов Республики Узбекистан, — от уплаты единого налогового платежа в части, связанной с реализацией Программы;

ИК «Ўзшахар курилиш инвест» — от уплаты налогов (за исключением налога на добавленную стоимость)».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон қарорида:

а) 10-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Қишлоқ курилиш инвест» ИК» МЧЖга ёғоч-тахта материаллари, том ёпиш учун темир листлар ва темир ясси прокатининг энг яхшиларини танлаб олиш натижалари бўйича тендер савдоларини ўтказмасдан импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида экспертизадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқарувчилардан мустақил сотиб олиш хуқуки берилсин.

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ:

а) ёғоч-тахта материаллари, том ёпиш учун металл листлар ва темир ясси прокатини импорт қилишда божхона тўловларини тўлашдан (кўшилган қиймат солиги ва божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно);

б) 2020 йил 1 январгача:

янгилангани намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойларни қуриш доирасида бош пудрат ташкилотларига ёғоч-тахта ва том ёпиш учун металл листларни;

«Ўзбекистон асаларичилари» уюшмасининг буюртмасига мувофиқ асалари уяларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларга ёғоч-тахта ва темир ясси прокатини реализация қилишда қўшилган қиймат солигини тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ томонидан ёғоч-тахта материаллари, том ёпиш учун металл листлар ва темир ясси прокатини бош пудрат ташкилотларига, шунингдек, «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмасининг буюртмасига мувофиқ асалари уяларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларга тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилиш рентабеллиги 5 фоиздан ошмаган нархда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ билан биргаликда ўн кун муддатда ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун металл листлар импортини молиялаштириш манбалари ва механизmlари бўйича таклифлар киритсин»;

б) 3-илованинг 1-бандидаги «Цемент, шу жумладан, цемент клинкери» сўзлари «Цемент клинкери» сўзлари билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

368 Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Инвестиция дастурида назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш жойларини яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ва халқ фаровонлиги даражасини оширишнинг фоят муҳим омили ҳисобланади.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолатини таҳлил қилиш инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга оширишга, инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштиришга тўсқинлик қилаётган айрим тизими камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини шакллантиришнинг амалдаги тизими истиқболи инвестиция лойиҳаларини босқичма-босқич тайёрлашни, лойиҳа ҳужжатлари ўз вақтида ишлаб чиқилишини таъминламаяпти, бу эса молиялаштиришнинг очилиши, маблағлар ўзлаштирилиши, оқибатда эса қувватлар ишга туширилиши кечикирилишига олиб келмоқда. Инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш жараёнига илғор ахборот-коммуникация технологиялари татбик этилмаган.

Инвестиция дастурларини шакллантиришнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Инвестиция дастури сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг самараали механизмлари жорий этилишини, иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага инвестицияларни жалб этишни таъминлаш, барча даражадаги давлат органлари, ташкилотлар раҳбарлари ва ҳокимларнинг ушбу соҳадаги шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг тасдиқланган концепциялари ва дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Махкамасининг қарорлари асосида унинг асосий кўрсаткичларини хар йили аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилади.

2. 2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури лойиҳасини (кейинги ўринларда — Дастур) шакллантириш схемаси 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 майдада эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Дастантирилганда, шу жумладан халкар олий институтлари ва хорижий хукумат олий ташкилотлари (кейинги ўринларда — ХМИ/ХХМТ), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва бошқа марказлаштирилмаган манбалар маблағлари ҳисобидан олиялаштирилдиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини шакллантириш, шунингдек Дастантирилганда амалга оширилишини умумий мониторинг ва назорат қилиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

б) Ўзбекистон Республикаси Икътисодиёт ва саноат вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бюджет тизимининг бюджетлари ҳисобига олиялаштирилдиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини шакллантириш, шунингдек унга аниқликлар ва янгиликлар киритиш, уларнинг амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш юзасидан ваколатли орган ҳисобланади;

2019 йил 25 июня қадар Дастантирилганда лойиҳасини жамлаш учун ушбу кичик банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини белгиланган тартибда лойиҳаларнинг ташаббускорлари билан келишилган, таклиф этилаётган лойиҳаларни жойлаштириш, уларнинг қувватлари ва манбалари уйғуллаштирилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тақдим этади;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратиладиган прогноз лимитлари ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек лойиҳалар марказлаштирилган манбалар ҳисобидан тўлиқ олиялаштирилишини таъминлайди;

г) Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда Дастантирилганда лойиҳасига киритиладиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига, тармоқлар ва худудларга кўмаклашади;

д) лойиҳа ташаббускорлари — давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда — лойиҳа ташаббускорлари) ўзларига тегишли қисмларда, инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини ўз вақтида ишлаб чиқиш, уларни Дастантирилганда лойиҳасига киритиш учун тақдим этиш, тармоқ жадваллари ва лойиҳа ҳужжатларини сифатли тайёрлаш, шунингдек қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш, маблағларни тўлиқ ҳажмда ўзлаштириш ва ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга тушириш борасидаги барча тадбирларнинг сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминлайдилар.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлар Махкамаси томонидан шакллантирилдиган рўйхат бўйича, 2019 йил 1 июня қадар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига аниқ инвестиция лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тақдим этилишини таъминласин;

е) «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК лойиҳаолди хужжатлари, шунингдек техник топшириклар ва тендер хужжатларининг комплекс экспертизаси белгиланган тартибда ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлайди;

ж) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташки иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги ойига камида бир маротаба хорижий инвесторлар билан учрашув ўтказадилар, аниқ инвестиция таклифлари (войиҳалари)ни тақдим этадилар (презентация қиладилар) ҳамда уларнинг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги Дастур лойиҳасига киритиладиган бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари манзилли рўйхатини шакллантиришда республика аҳолисининг турмуш сифатини ошириш ва ривожлантириш тармоқ дастурларини илдам бажаришга имконият яратадиган автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда ичимлик сув таъминоти тармоқларини кенгайтириш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутсин.

Белгилансинки, лойиҳани бажариш Дастурни амалга оширишнинг кейинги йилига режалаштирилган тақдирда, лойиҳа хужжатлари мавжуд бўлмаган инвестиция лойиҳаларини Дастур лойиҳасига киритиш тақиқланади;

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов, Э.М. Фаниев) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташки савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари (Г.К. Саидова) зиммасига Дастур лойиҳасини шакллантириш билан боғлиқ ишларни умумий тарзда мувофиқлаштиришни амалга ошириш вазифаси юклансин.

4. Маълумот учун қабул қилинсанки, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — Ахборот тизими) ишлаб чиқилган бўлиб, у инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилинган барча иштирокчиларни улаган ҳолда Лойиҳа бошқаруви ягона миллий ахборот тизимининг бир қисми ҳисобланади ва қўйидаги имкониятларни яратади:

ложиҳаларни ҳисобга олиш, уларнинг амалга оширилишини назорат ва мониторинг қилиш жараёнларини автоматлаштириш;

ложиҳаларнинг муддатлари, бюджети, мақсадлари ва кўрсаткичлари устидан назоратни амалга ошириш;

инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилган ва ўзлаштирилган ҳажмлари бўйича ишончли маълумотларни шакллантириш;

лойиҳаларни амалга оширишда кувватларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича хавф-хатарларни аниқлаш;

инвестициядан кейинги даврда, лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларга эришишни кузатиб бориш.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси бир ҳафта муддатда Ахборот тизимининг белгиланган тартибда «Техник кўмаклашиш маркази» ДУКда экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

Агентлик:

икки ҳафта муддатда вазирлик, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органдари ва бошқа ташкилотлар фаолиятига Ахборот тизими жорий этилиши, шунингдек унинг узлуксиз ишлаб туриши, янада модернизация қилиниши ва ахборот хавфсизлиги учун жавобгар бўлган тизимли операторни белгиласин;

икки ой муддатда «UZINFOCOM давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор» МЧЖ билан биргаликда Ахборот тизимининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашувини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Инвестиция дастури (кейинги ўринларда — 2019 йилги Инвестиция дастури) амалга оширилишини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида ҳукumat карорини қабул қилсан, унда, жумладан «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этиш ва эксплуатация қилиш бўйича Регламент тасдиқланишини, Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва кейинчалик ундан фойдаланиш харажатларини тўлаш масалаларини ҳал этишни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига муҳим инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини ҳар ойда танқидий кўриб чиқкан холда, йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларининг са-марали мувофиқлаштирилиши ва амалга оширилишини назорат қилиш, шунингдек тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига эришилишини таъминлаш юзасидан масъулият юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари Ж.А. Кўчкоров ва Э.М. Фаниев билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг тақдимномасига биноан 2019 йилги Инвестиция дастури доирасида лойиҳалар (объектлар) бўйича инвестициялар, капитал қўйилмалар лимитлари (киммати)нинг прогноз параметрлари, жорий йилда ишга тушириладиган ҳар чорак бўйича тақсимланган инвестиция лойиҳаларининг аниқлаштирилган рўйхатлари тасдиқланишини;

лойиҳалар ташаббускорлари томонидан 2019 йилги Инвестиция дастури ҳамда Дастур бажарилишини, шунингдек тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига эришилишини ҳар ойда танқидий кўриб чиқишни;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг таклифига биноан Дастурда назарда тутилган инвестиция лойиҳалари бўйича ажратилган маблағлар ўз вақтида ўзлаштирилмай қолганда марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган манбалар ҳисобидан капитал қўйилмалар рўйхатлари ва лимитлари (қиймати)га тузатишлар киритилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзақов ҳар ойда инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг ҳолати тўғрисидаги ҳисботни ва таҳлилий материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилишни таъминлаш юзасидан шахсан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига бюджет тизимларининг бюджет қисмida иқтисодиёт ва саноат вазирининг инвестиция дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш масалалари бўйича вазир ўринbosари лавозими киритилсин, унинг зиммасида қисқартирилаётган, иқтисодиёт ва саноат вазирининг инфратузилмани ривожлантириш стратегияси ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари бўйича вазир ўринbosари ўнига инфратузилмани ривожлантириш стратегияси бўйича функциялар сақланиб қолинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузурида 7 нафар штат бирлигидан иборат Инфратузилмавий лойиҳалар таҳлили гуруҳини ташкил этиш, унинг зиммасига марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга оширилган инфратузилмавий лойиҳаларни комплекс таҳлил этиш, иқтисодий самарани баҳолаш, уларнинг иш юкламасини кўпайтириш ва самарасини ошириш чора-тадбирларини, шунингдек янги инфратузилмавий лойиҳалар бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш вазифаларини юлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, Инфратузилмавий лойиҳалар таҳлили гурухи фаолиятини молиялаштириш бюджет маблағлари, тегишли вазирликларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ХМИ/ХХМТ маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини янада тақомиллаштиришнинг «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

12. Белгилансинки, 2019 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

инвестиция лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаганлик, шунингдек тасдиқланган мақсадли кўрсаткичларга эришганлик учун ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Қорақалпоғистон Республикасининг Республика бюджети ҳамда вилоятлар ва Тош-

* 2-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кент шаҳрининг маҳаллий бюджети қўшимча манбалари хисобидан икки лавозим маошигача бўлган миқдорда бирйўла мукофотлаш тарзида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг раҳбарларини рағбатлантириш;

ушбу банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган талаблар бажарилишини таъминламаганлик учун ҳайфсан эълон қилиш, лавозим маошининг эллик фоизигача миқдорида жарима солиш ва белгиланган тартибда меҳнат шартномасини бекор қилиш (эгаллаб турган лавозимдан озод қилиш) тарзида мазкур раҳбарларнинг интизомий жавобгарлиги тизими жорий этилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги:

а) лойиҳаларни амалга ошириш гурухи (кейинги ўринларда — ЛАОГ) фаолиятини ташкил этиш, шунингдек харидлар жараёнларининг шаффофлигини оширишнинг янги механизмларини жорий этсин, унда куйидагилар назарда тутилсин:

ЛАОГ раҳбарлари ва ходимларини лойиҳа ташаббускорларининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги томонидан лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;

инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисида ЛАОГ раҳбарларининг хисботларини ХМИ/ХҲМТ, шунингдек лойиҳалар ташаббускорларининг марказлаштирилган ҳамкорлиги бўйича тегишли бошқарувчилар (органлар)ни жалб этган ҳолда коллегиал асосда эшитиш;

ЛАОГнинг ҳисобдорлиги, улар фаолиятининг самарали мувофиқлаштирилиши;

б) Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар ХМИ/ХҲМТ иштирокида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чоғида жалб этиладиган, миллий консультантлар томонидан илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашни инобатга олган ҳолда уларнинг мъълумотлар базасини шакллантирсин;

в) ЛАОГ ходимларини ҳамда лойиҳа ташаббускорларини ўқитиш ва малакасини ошириш мақсадида харидларни ўтказиш, молиявий бошқариш, инвестиция лойиҳаларини ижтимоий-экологик баҳолаш ҳамда бошқа ғоят мухим йўналишларга оид масалалар бўйича ХМИ/ХҲМТ консультантлари ва мутахассисларининг мунтазам асосда жалб этилишини таъминласин.

Лойиҳаларнинг ташаббускорларига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, зарур ҳолларда, ЛАОГ тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзgartiriшлар киритиш хукуки берилсин;

г) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги ҳузурида Агросаноат комплекси ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги негизида ХМИ/ХҲМТ иштирокида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича алоҳида бўлинмани ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Белгилансинки, олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган инвестиция ва ташқи савдо соҳасидаги ҳужжатларни амалга ошириш бўйича «йўл хариталари», шунингдек хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятдаги корхоналар иштироқидаги инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва киритилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳисоб палатаси билан биргаликда икки ой муддатда олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш бўйича «йўл хариталари»га киритилган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини танқидий ўрганиб чиқсин ҳамда унинг натижаларига кўра ушбу лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифлар киритсан.

Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ижросини таъминлаш масалалари бўйича республика мувофиқлаштирувчи гурухи (А.Н. Арипов)га тасдиқланган «йўл хариталари»га ўзгартириш ва тузатишлар киритиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг таклифлари бўйича инвестиция лойиҳаларини киритиш (чиқариб ташлаш) хукуки берилсан.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш, шунингдек ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилишини ҳисобга олишнинг такомиллаштирилган тартибини жорий этсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига З-иловага* мувофик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

18. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Буш вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 май,
ПФ-5717-сон

* З-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

**369 Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва
ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида***

Кейинги йилларда республикада тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай мухит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг хуқуқий кафолатларини мустахкамлаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилинди, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлик бўлмаган режали текширишлар бекор қилинди.

2019 йилнинг I чораги якунлари бўйича лойиҳаларни амалга оширишга 16,4 трлн сўм ҳажмда кредитлар ажратилди, иқтисодиётда инвестицияларни ўзлаштириш ҳажмлари 1,3 бараварга, янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сони 2,3 бараварга ўсади.

Шу билан бирга, таҳлил ҳозирги вақтда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ ва фаол жалб этишга тўсқинлик қилувчи, биринчи навбатда давлат органларининг тадбиркорлар билан мулоқот қилишнинг амалий ва шаффоғ тизими мавжуд эмаслиги билан боғлик бўлган бир қанча салбий омиллар сақланаётганлигини кўрсатади. Хусусан:

биринчидан, тадбиркорларни қабул қилиш ва мурожаатларини кўриб чиқишининг ягона тизими мавжуд эмас, бу эса юзага келаётган масалаларни тўлиқ қамраб олиш ва тезкорлик билан ҳал этиш имконини бермаяпти, тадбиркорларнинг муаммолари ва мурожаатларини ҳал этишга юзаки муносабатда бўлиш холатлари мавжуд;

иккинчидан, мавжуд тизимли муаммоларни таҳлил қилиш бўйича ишларнинг самарали амалга оширилмаслиги аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш ва ишбилармонлик мухитини яхшилаш масалаларини сифатли ҳал қилиш имконини бермаяпти;

учинчидан, тадбиркорликни ривожлантиришга ва қулай инвестиция мухитини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи мухим муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан механизми мавжуд эмас;

тўртинчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан тадбиркорлар билан бевосита мулоқот қилишга, шунингдек уларнинг қонуний талабларини аниқлаш ва тезкорлик билан ҳал қилишга ҳамда муаммоларни бартараф этишга етарлича эътибор берилмаяпти;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 майда эълон қилинган.

бешинчидан, тадбиркорларнинг мурожаатлари билан ишлашда, айниқса жойларда бюрократик тўсиқлар ва ғовлар учраб турибди, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури ва тадбиркорларнинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган ташаббусларини ўз вақтида амалга ошириш, ушбу жараёнга ёшлар ва хотин-қизларни жалб қилиш, барқарор янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турли тоифаларининг моддий фаровонлигини ошириш барча даражадаги ҳокиммилклар ва уларнинг раҳбарлари томонидан зарур даражада қўллаб-кувватланмаяпти.

Тадбиркорларнинг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш сифати ва тезкорлигини ошириш, улар билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, уларнинг қонуний талабларини амалий ва самарали рўёбга чиқариш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш, худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига реал ҳиссани қўпайтириш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва унинг моддий фаровонлигини ўстириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини (кейинги ўринларда — Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

тадбиркорлик субъектларини ҳамда чет эллик инвесторларни қабул қилиш, шу жумладан, видеоконференцалоқа воситасида ва сайёр қабулларни ўтказиш;

тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш;

тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик, шу жумладан, ер участкалари ва бинолар, кредитлар ажратиш, рухсат берувчи хужжатларни олиш масалаларидаги тўсиқларни бартараф этиш;

тадбиркорликни ривожлантиришга ва чет эл инвестицияларини жалб этишга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни мониторинг қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, бу соҳадаги қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида уларни қабул қилиш, умумлаштириш, мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш учун самарали платформа жорий этилишини назарда тутувчи [«business.gov.uz»](http://business.gov.uz) ягона интерактив портали фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш

котибияти (кейинги ўринларда — Котибият) 1-иловага^{*} мувофиқ ташкил этилсин.

4. Қуидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарининг намунавий тузилмаси 2-иловага^{*} мувофиқ;

туманлар ва шаҳарлардаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарининг намунавий тузилмаси 3-иловага^{*} мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ишини ташкил этиш схемаси 4-иловага^{*} мувофиқ тасдиқлансан.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарида тадбиркорларни, шу жумладан чет эллик инвесторларни қабул қилиш ҳокимлilar, Савдо-саноат палатасининг тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари, инвестициялар ва савдо, адлия, солиқ инспекцияси, қурилиш, давлат кадастри органлари, банк ва бошқа ташкилотларнинг худудий органлари вакиллари иштирокида тасдиқланган жадвал бўйича ҳар куни амалга оширилади;

мурожаатда кўрсатилган қонуний талаблар ва таклифларни туман ва шаҳар даражасида қаноатлантириш имконияти бўлмаса, улар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига юборилади;

республика даражасида ҳал этилиши керак бўлган тадбиркорларнинг, шу жумладан чет эллик инвесторларнинг мурожаатлари кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг рахбарлари ва бошқа ваколатли органлар иштирокида кўриб чиқиш учун Котибиятга юборилади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири мурожаатлари ваколатли органлар томонидан ҳал этилмаган тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан чет эллик инвесторларни доимий асосда шахсан қабул қиласи;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг карори талаб этиладиган тадбиркорларнинг, шу жумладан чет эллик инвесторларнинг мурожаатлари Котибият томонидан унга кўриб чиқиш ва тегишли карор қабул қилиш учун киритилади;

тадбиркорларнинг мурожаатларида кўрсатилган масалаларни тартибга солувчи нормалар мавжуд бўлмаган тақдирда, Котибият томонидан қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритилади;

Котибият Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркор-

* 1 — 4-иловалар «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган сабаблар ва шароитларни худудлар ва соҳалар кесимида доимий равишда таҳлил қиласи тизимлаштиради, Ўзбекистон Республикасининг Баш вазирига ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича ҳар чоракда аниқ таклифлар киритади.

6. Белгилансинки:

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарида тадбиркорларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва хукуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шунингдек бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан мурожаатлари кўриб чиқилади;

қарори ёки ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган ташкилотларнинг мансабдор шахсларига мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз топшириш тақиқланади;

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги Тадбиркорликка қўмаклашиш марказлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг худудий марказлари билан яқин ҳамкорликда амалга оширади;

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш секторлари (кейинги ўринларда — секторлар), давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини аниқлайдилар ва уларнинг ҳал этилишини таъминлайдилар;

Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари секторлар ва худудий ташкилотлар раҳбарларининг тадбиркорлар хукуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳар чоракда тегишли ҳалқ депутатлари Кенгаши мажлислиарида муҳокама қилиш учун киритадилар, ушбу ахборот бўйича масъул ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эштилади.

7. Қуйидаги ҳисбот тизими амалиётга жорий этилсин, унга мувофиқ:

а) туманлар ва шаҳарлардаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ҳар ойнинг 5 санасигача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисботни ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга ва инвестицияларни жалб қилишга тўсқинлик қилаётган тизимли камчиликлар тўғрисидаги ахборотни киритадилар;

Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари раҳбарлари ҳар ойнинг 7 санасигача Котибиятга амалга оширилган ишлар тўғрисидаги йиғматахлий ахборотни ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга ва инвести-

цияларни жалб қилишга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича асосланган таклифларни киритадилар;

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолияти натижалари ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг раислигига алоҳида йиғилишларда, шу жумладан, видеоконференцалоқа орқали кўриб чиқилади;

б) Котибият Ўзбекистон Республикасининг Баш вазирига тадбиркорлардан, шу жумладан чет эллик инвесторлардан Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларнинг кўрилиши жараёни ҳақида ҳар хафтада ахборот киритади;

в) Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири ҳар чоракда Ўзбекистон Республикасининг Президентини:

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарининг иши натижалари, тадбиркорлар ҳамда уларнинг хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек мамлакатда ишбилармонлик мухитини яхшилаш юзасидан давлат органлари фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида;

қабул қилинган қарорлар ёки мансабдор шахсларни рағбатлантириш ёхуд уларни тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг мурожаатларини юзаки кўриб чиққанлиги ёки кўриб чиқишидаги харакатсизлиги учун шахсий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар тўғрисида хабардор қиласди.

8. Куйидагиларга:

аддия вазири Р. Давлетовга — Давлат хизматлари агентлиги бўлинмаларининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари билан самарали ўзаро ҳамкорлиги, қонун хужжатларидаги бўшлиқлар ва камчиликларни ҳал этиш бўйича норматив-хукуқий хужжатлар лойихаларининг ўз вактида ва сифатли ишлаб чиқилиши, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари таъминланиши бўйича чоралар кўрилиши учун;

Савдо-саноат палатаси раиси А. Икрамовга — Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари томонидан тадбиркорларнинг қабул қилинишини ташкил этишда ёрдам бериш, худудлар ва бошқарув органлари кесимида тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни аниқлаш, қонун хужжатларини такомилластириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д. Қосимовга — Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига мурожаат қилган тадбиркорларга ёрдам бериш бўйича амалий чоралар кўрилиши ҳамда уларнинг хукуклари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги учун назорат қилувчи ва бошқа органларнинг айбор мансабдор шахсларининг жавобгарликка тортилиши учун;

инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. Умурзоковга — Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва улар иштирокидаги лойихаларни амалга ошириш би-

лан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда, шунингдек ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи бозорларга киришига кўмаклашиш учун;

Хисоб палатаси раисига — Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига келиб тушган тадбиркорлар мурожаатларининг ваколатли органлар томонидан ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилиш, уларнинг мурожаатлари бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар сифати ва Вазирлар Маҳкамасига айбдор мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритилиши учун;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларига — Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари билан самарали ўзаро ҳамкорлик қилиниши, тадбиркорлар муаммоларининг холисона ва адолатли ҳал этилиши, мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида тегишли Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига, шу жумладан, «business.gov.uz» ягона интерактив порталидан фойдаланган холда хабар берилиши учун шахсий масъулият юклансин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарининг штат бирлиги тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларни аппаратларининг, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги худудий бўлинмаларининг штат бирликларини 5-иловага* мувофиқ қисқартириш хисобига шакллантирилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, шунингдек туманлар ва шаҳарлардаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлари ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди таркиби 6 ва ба-иловаларга* мувофиқ белгиланади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, шунингдек туманлар ва шаҳарлардаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ходимларига илгари ишлаган жойида кўп йиллик меҳнати учун берилган устамалар ва қўшимча ҳақ, ҳарбий (маҳсус) унвонлар ва мартаба даражалари сақланиб қолади;

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарининг бошқарув ходимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан белгиланган тартибда лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, туманлар ва шаҳарлардаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини тегишли давлат хизматлари марказлари биноларида жойлаштириш юзасидан бир

* 5 — ба-иловалар «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига кўриб чиқиш учун таклифлар киритсан.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, туманлар ва шахарлардаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини зарур мебель ва анжомлар, ахборот-коммуникация воситалари (компьютер, принтер, нусха кўчириш аппарати, интернет), алоқа воситалари (телефон, факс) билан жиҳозлаш юзасидан ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига кўриб чиқиш учун асосланган таклифлар киритсан.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини молиялаштириш, шу жумладан, улар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий-техника таъминоти ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан зарур маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари учун 14 та автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратсан.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «business.gov.uz» ягона интерактив порталини ишлаб чиқсан ва ишга туширсан, унда қўйидаги асосий имкониятларнинг мавжуд бўлиши назарда тутилсан:

тадбиркорлар томонидан ҳудудлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органдари ҳамда бошқа параметрлар кесимида муаммо келиб чиқсан аниқ бизнес-жараённи акс эттирувчи мурожаат қилиниши;

ариза берувчи томонидан ўзининг шахсий кабинети орқали мурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёнини реал вақт режимида кузатиб борилиши;

кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга тўскинлик қилаётган тизимли муаммоларни автоматик режимда аниқлаш имконини берувчи тадбиркорлар мурожаатларининг тизимлаштирилган ягона маълумотлар базаси яратилиши.

13. Вазирлар Маҳкамаси икки хафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибияти тўғрисидаги низомни;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари тўғрисидаги низомни;

туманлар ва шаҳарлардаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — А.Ж. Раматов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С. Қосимов, Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов), Давлат солик қўмитаси (Б.А. Мусаев), Савдо-саноат палатаси (А.И. Икрамов) ҳамда Қоралапғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимлеклари билан биргаликда ўн кун муддатда Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини уларга юкланган вазифаларни юксак профессионал даражада ҳал этилишини таъминлашга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар билан таъминлашга доир таклифларни Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун хужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридағи Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот во-ситаларида Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарининг мақсад ва вазифаларини, шунингдек уларнинг фаолият натижаларини ёритиш юзасидан мақолалар ва мавзули эшиттиришлар ташкил этсинлар.

«Uzbekistan Airports» АЖ Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари тўғрисидаги ахборот баннерларини аэропортларнинг терминалларида жойлаштирилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ушбу Фармонда белгиланган талаблар ва вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар комплекси — «Йўл харитаси»ни бир хафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 май,
ПФ-5718-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

370 Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инновацион тадбиркорлик ва юқори технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш, шунингдек, Навоий вилояти ҳудудида минерал хом ашё ресурсларини чукур қайта ишлаш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувватларни ташкил этиш максадида:

1. Навоий вилояти ҳудуди кейинчалик белгиланган тартибда муддатини узайтириш имконияти билан 2030 йил 1 январга қадар инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона этиб белгилансин.

2. Белгилансинки:

Навоий вилоятининг ҳудудий чегаралари ичида инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошираётган корхоналарга, ҳудудда мавжуд бўлган ёки енгил барпо этиладиган инфратузилмаларда ишлаб чиқаришларни ихчам жойлаштирган ҳолда «Навоий» эркин иқтисодий зonasи (кейинги ўринларда — «Навоий» ЭИЗ) иштирокчиси мақоми берилади;

ўз зиммасига олган инвестиция мажбуриятларини бажармаган тақдирда, «Навоий» ЭИЗ иштирокчилари билан инвестиция битимларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш ва уларни «Навоий» ЭИЗ иштирокчиси мақомидан маҳрум этиш факатгина суд тартибида амалга оширилади.

3. Навоий вилоятидаги Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашига инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар сифатидаги янгидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини ҳамда «Навоий» ЭИЗ дирекциясининг ижобий хуносаси мавжуд бўлганда, уларга «Навоий» ЭИЗ иштирокчиси мақомини тақдим этишни мустақил равишда белгилаш хуқуки берилсин.

4. Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Навоий вилоятидаги Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналар маъмурий кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда инновацион, юқори технологияларга асос-

* Ушбу Фармон «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 майда эълон қилинган.

ланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни белгилаш, шунингдек, «Навоий» ЭИЗ иштирокчиси мақомини бериш учун инновация лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда унинг катнашчиларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Эркин иқтисодий зона сифатида Навоий вилоятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

инновацион фаолиятни ривожлантириш, шунингдек, илгор тажрибани жорий этиш ҳамда юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

юқори қўшилган қийматга эга экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни барпо этиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш;

Навоий вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

кимё маҳсулотлари ва замонавий курилиш материаллари ишлаб чиқариш, табиий тошларни қайта ишлаш ҳамда маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида саноатнинг бошқа йўналишлари бўйича кластерлар яратиш;

қимматбахо тошлар ва металларни қайта ишлаш соҳасида янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шунингдек, заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасига инновацион технологияларни жорий қилиш;

вилоят корхоналари ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш орқали юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

вилоятнинг, биринчи навбатда туман марказлари ва йирик аҳоли пунктларининг транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, вилоят худудида йирик логистика марказини ташкил этиш;

худуд иқтисодиётининг ихтисослашган кадрларга бўлган жорий ва истикболдаги эҳтиёжидан келиб чиқиб юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш.

6. Навоий вилояти худудида инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона ташкил этиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин, унга Навоий вилоятини комплекс ривожлантириш ҳамда унинг худудида инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш масъулияти юклансин.

7. «Навоий» ЭИЗ иштирокчиси мақомини олган Навоий вилоятидаги корхоналар:

ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи,

* 1-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солик тўлоидан;

бўшаб қоладиган маблағларни янги корхоналарни ташкил этиш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва техник, технологик қайта жиҳозлаш, кенгайтириш, ишлаб чиқариш биноларини қуриш, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашё ва материаллар харид қилишга мақсадли йўналтирган ҳолда ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, хом ашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмлар, маҳсулот экспорт қилинганда вужудга кела-диган қўшилган қиймат солиғининг манфий суммаси қайтарилмаслиги хуқуқи билан божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимла-ридан ташқари);

республикада ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича лойихаларни амалга ошириш до-расида олиб кириладиган қурилиш материаллари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган, божхона имтиёзлари қўлла-нилган ҳолда олиб кирилган ускуналар, хом ашё, материаллар ва бутлов-чи буюмлар уларни олиб кирилган кундан бошлаб уч йил мобайнида реа-лизация қилинадиган ёки бепул ўзгага топшириладиган ҳолатларда, бож-хона тўловлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда ундириб олинади.

8. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) ушбу Фармоннинг 7-бандида назарда тутилган имтиёзлар киритил-ган инвестицияларнинг ҳажмига қараб З йилдан 10 йил муддатгача, шу жумладан эквиваленти:

300 минг АҚШ долларидан З миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — З йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 7 йил муддатга;

10 миллион АҚШ доллари ва ундан кўп ҳажмдаги инвестициялар ке-йинги 5 йил давомида даромад солиғи ва ягона солик тўловининг амалдаги ставкаларини 50 фоиз ҳажмда қўлланган ҳолда — 10 йил муддатга бери-лади;

б) «Навоий» ЭИЗ иштирокчиси мақомини олган хўжалик юритувчи субъектларга экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ва хисоб-китобларнинг ўзи учун қулай шарт ва шаклларидан фойдаланишига рухсат этилади;

в) «Навоий» ЭИЗ иштирокчиси мақомини олган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солик тўловчининг ҳолатини ёмонлаштирадиган Ўзбекистон Республикасининг солик қонунчилиги ҳужжатлари қўлланил-майди, акциз солигига тортиладиган товарларга солик солишни тартибга соловчи ҳужжатлар бундан мустасно;

г) 2019 йил 1 июндан бошлаб хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари — «Навоий» ЭИЗ қатнашчилари ва уларнинг оила аъзоларига республика худудидан чиқмасдан узайтириш имконияти билан, амал қилиш муддати уч йилгача бўлган «инвестиция визаси» берилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонасини «Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» акциядорлик жамиятига (кейинги ўринларда — «Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ) айлантирисин;

«Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ тузилмасида Экспортни кўллаб-куватлаш марказини ташкил қилсин ҳамда «Навоий» ЭИЗ қатнашчиларига маслаҳат, воситачилик хизматларини кўрсатиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ва хориждаги кўргазма ва ишбилармонлик тадбирларига иштирокини ташкил қилиш, иштирокчининг буюртмасига кўра тижорат асосида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш орқали уларга маҳсулотлар экспортида кўмаклашиш Марказнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналиши этиб белгилансин.

10. «Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг бутун даврида соликлар тўлашдан озод этилсин.

11. Белгилаб кўйилсинки:

«Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖнинг дастлабки устав капитали қайта ташкил этилаётган «Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» ДУКнинг мулклари хисобига шакллантирилади;

«Навоий» ЭИЗ худудида жойлашган мухандислик-коммуникация тармоқларига хизмат кўрсатиш «Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ буюртманомалари га биноан вазирликлар ва идораларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади;

«Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ «Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» ДУКнинг хукуқлари ва мажбуриятлари бўйича вориси хисобланади;

«Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖнинг устав капиталида давлат номидан акциядорлик функцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади;

«Навоий» ЭИЗ худудида бинолар қуриш «Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ томонидан ўз маблағлари ва/ёки хусусий инвесторлар маблағлари хисобига амалга оширилиши мумкин ҳамда кейинчалик ушбу бино ва иншоотлар тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли ижарага ёки сотиб олиш учун тақдим этилади;

«Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ ўзига берилган ваколатлар доирасида Навоий вилояти худудида жойлашган давлат ихтиёридаги кўчмас мулк обьектларини бошқаради ҳамда Навоий вилоятидаги Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгashi билан келишган ҳолда Навоий вилояти худудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун умумий

майдони 5000 метр квадратдан кўп бўлмаган, фойдаланилмаётган давлат мулки обьектларини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Давлат мулки обьектларини сотиш тартиб-таомилларини яна-да такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3067-сон қарорининг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган обьектлардан ташқари) «Навоий» ЭИЗ иштирокчиларига тақдим этади;

«Навоий» ЭИЗ иштирокчилари учун барча, шу жумладан лицензиялаш ва рухсатномалар олиш бўйича давлат хизматлари «Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ ва/ёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида-ги Давлат хизматлари агентлиги томонидан «ягона дарча» тамойили асоси-да тақдим этилади.

12. Куйидагилар «Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ фаолиятини молия-лаштириш манбалари этиб белгилансин:

ЭИЗ иштирокчиларини рўйхатдан ўtkазганлик учун бир марталик тўловлар;

тасарруфида ва бошқарувида бўлган ер участкалари, бинолар ва иншоот-ларни ижарага беришдан тушган тушумлар;

«Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар, шу жумладан маркетинг, консалтинг, логистика, меҳмонхона, таълим ва кадрлар билан боғлиқ хизматларни реализация қилишдан тушган тушум-лар;

мақсадли бюджет ажратмалари;

хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентли-ги «Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ билан биргаликда:

а) белгиланган тартибда «Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖнинг тузилма-си тасдиқланиши, таъсис ҳужжатлари, эмиссия рисоласининг рўйхатдан ўtkазилиши, шунингдек, унинг органлари, шу жумладан янги ташкил эти-лаётган Экспортни қўллаб-қувватлаш марказини инобатга олган ҳолда шакллантирилишини;

б) икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда:

«Навоий» ЭИЗ худудида янги корхоналарни жойлаштириш бўйича «Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ билан иштирокчилар ўртасида тузилади-ган намунавий инвестиция келишуви;

«Навоий» ЭИЗ дирекцияси» АЖ томонидан «Навоий» ЭИЗ иштирокчи-ларига хизматлар кўрсатиш бўйича намунавий шартнома ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

14. «Навоий» ЭИЗнинг ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режа-си 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирли-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ги Молия вазирлиги, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошка манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йили Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини келгуси йил учун шакллантиришда «Навоий» ЭИЗнинг транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан капитал қўйилмалар лимитларини назарда тутсин.

16. Навоий вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Курилиш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Навоий вилоятидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган фойдаланилмаётган ер участкалари, фойдаланилмаётган ва бўш турган давлат мулки обьектларини хатловдан ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар Навоий вилоятидаги ҳар бир туман марказлари, йирик ахоли пунктларининг транспорт тизими ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

а) 2019 — 2021 йилларда Навоий вилоятида инновацион фаолиятни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2019-2020 йилларда Навоий вилояти ҳудудида амалга оширилиши таклиф этилаётган инновацион ва юқори технологияли лойиҳалар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси билан биргаликда Навоий вилоятида Инновацион технологияларни жорий этиш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин, қуйидагилар ушбу марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

халқаро даражада патентлаш имкониятига эга бўлган илмий ҳажмдор ва илгор технологияли ишланмаларни яратиш, янги инновацион маҳсулотларнинг намуналарини моделлаштириш, макетлаштириш, тайёрлашда иштирок этиш ва замонавий лаборатория ускуналаридан фойдаланган ҳолда уларни синовдан ўтказиш;

юқори технологияли инновацион ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш учун янги истиқболли ғоялар ва инновацион илмий ҳажмдор ишланмалар-

ни шакллантириш ҳамда илмий фаолият натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;

худудда инновацион экотизим, шу жумладан бизнес акселераторлар, стартаплар ва кичик инновацион корхоналарни ташкил этиш;

ҳамкорликда илмий тадқиқотларни бажариш учун академик, олий таълим ва тармоқ фанлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш.

18. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

«Навоий» ЭИЗ дирекцияси АЖ буюртманомаларига биноан «Навоий» ЭИЗ иштирокчилари бўлган корхоналарнинг хорижий ходимларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига кириш, шу жумладан кўп марталик визаларни консуллик ва бошқа йиғимларни ундириласдан белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласин;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб қилиш учун яратилган шароитлар ва имкониятлар, ҳудуднинг ва мавжуд минерал-хом ашё ресурслар салоҳиятини халқаро ишбилиармон доираларда доимий равиша кенг ёритилишини (тақдимотини) таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мазкур Фармоннинг моҳияти ва мақсадларини хорижий ҳамкорлар ва инвесторларга етказиш чора-тадбирларини кўрсинг.

19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Навоий» ЭИЗ дирекцияси АЖнинг буюртманомаларига биноан «Навоий» ЭИЗ иштирокчилари бўлган корхоналарнинг хорижий ходимларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божини ундириласдан вақтингачалик турар жойи бўйича прописка қилиш ва узайтиришни таъминласин.

20. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда эркин иқтисодий зоналар худудида лойиҳаларни шакллантириш ва амалга оширишнинг барча жиҳатларини тартибга солувчи норматив-хукуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқилишини якунласин, унда қуидагилар назарда тутилсин:

эркин иқтисодий зоналарнинг ихтисослашувини, инвестиция лойиҳаларини танлашнинг аниқ мезонларини белгилаш;

инвесторларни жалб қилиш учун эркин иқтисодий зоналарни мухандислик-транспорт инфратузилмаси, ижтимоий-маиший ва маданий-жамоат обьектлари билан таъминлаган ҳолда зарур шароитлар яратиш механизmlарини;

эркин иқтисодий зоналарни бошқариш тизимини, шу жумладан дирекциялар фаолиятини ташкил этишнинг ягона стандартларини белгилаш, кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш ҳамда эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини тадбиркорлик субъектларининг ишончли бошқарувига, шу жумладан хорижий компанияларга топшириш орқали такомиллаштириш.

21. Адлия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги «На-

вой» ЭИЗ дирекцияси» АЖ ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий эксперктарни жалб қилган ҳолда иккى ой муддатда «Навоий» ЭИЗ худудида иш юритишда инглиз тилидан фойдаланиб, инглиз стандартлари, тамойиллари ва нормалари асосида «Навоий» ЭИЗ иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутивчи алохида ҳуқукий режим ўрнатиш бўйича таклифлар киритсин.

22. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги иккى ой муддатда Навоий вилоятида саноат, инжиниринг, технологиялар ва IT дастурлашнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган хорижий олий ўқув юрти филиалини ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги Ташки иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа тиҷорат банклари билан биргаликда иккى ой муддатда «Навоий» ЭИЗ худудида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг 1 млрд АҚШ долларидан кам бўлмаган ҳажмдаги кредит линияларини босқичма-босқич жалб қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига З-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги бир ой муддатда конун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

26. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 май,
ПФ-5719-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 15 майдаги
ПФ-5719-сон Фармонига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармонининг 3-бандида:

а) учинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«бўшаб қоладиган маблағларни янги корхоналарни ташкил этиш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва техник, технологик қайта жиҳозлаш, кенгайтириш, ишлаб чиқариш биноларини қуриш, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашё ва материаллар харид қилишга максадли йўналтирган холда ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, хом ашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмларни, маҳсулот экспорт қилинганда вужудга келадиган кўшилган қиймат солигининг манфий суммаси қайтарилмаслиги хуқуқи билан божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви ўйимларидан ташқари)»;

б) тўртинчи хатбоидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКнинг товарлар рўйхатини комплекс экспертиза қилиш натижалари бўйича ижобий хulosаси бўлган тақдирда» сўzlари билан алмаштирилсин;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5600-сон Фармони 1-банди учинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

371 Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Қайд этиш лозимки, 2018/2019 ўкув йилида илк маротаба олий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш учун тест синовлари очиқ майдонли биноларда ўтказилди.

Имтихонларни ошкора ва шаффоф тарзда ўтказиш мақсадида абитуриентлар бинога киришда шахсни идентификациялаш қурилмалари ёрдамида текширилди, тест синовлари кузатув камералари ёрдамида назорат қилинди. Ушбу жараёнлар абитуриентларнинг ота-оналари учун бевосита катта мониторларда, Интернет тармоғи ва телевидение орқали тўғридан-тўғри намойиш қилинди.

Шу билан биргага, соҳада амалга оширилаётган ислохотларни давом эттирган ҳолда, олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда ўтказиладиган кириш тест синовларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, шунингдек, ёшларнинг таълим олишга бўлган иштиёқини рағбатлантириш мақсадида абитуриентларнинг бир нечта бакалавриат таълим йўналишлари бўйича танловда иштирок этишлари учун кенг имкониятлар яратиш лозим.

Мамлакатимизни янада ривожлантириш учун олдимида турган устувор вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир ёшларни тарбиялаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани юкори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

2019/2020 ўкув йили қабулидан бошлаб абитуриентларга олий таълим муассасаларининг тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси бир хил бўлган учтагача бакалавриат таълим йўналишида танловда иштирок этиш ҳуқукини бериш;

2019/2020 ўкув йили қабулидан бошлаб олий таълим муассасасига ўқишига қабул қилиш бўйича кириш тест синовларини июль-август ойларида ўтказиш;

2020/2021 ўкув йили қабулидан бошлаб тест синови топшириладиган фанлар мажмуасини икки бўлимга ажратиб, биринчи бўлимга барча тест топширувчилар учун мажбурий учта фан — она тили (ўзбек, рус ёки қора-

* Ушбу карор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 майда эълон қилинган.

калпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи, иккинчи бўлимга абитуриент танлаган бакалавриат таълим йўналишига мос иккита фанни киритиш;

тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим муассасаларини тугатган абитуриентлардан (ногиронлиги бўлган ёки тўлиқ давлат таъминотидаги шахслар бундан мустасно) тест синовларида иштирок этиши учун энг кам иш ҳақининг ярим баравари миқдорида тўлов ундириш;

абитуриентнинг тест синовидан тўплаган баллари ҳақидаги маълумотни тест синови ўтказилган куннинг эртасига, унинг талабаликка тавсия этилгани ёки этилмагани бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган танлов натижасини тест синовларини ўтказиш жараёни тўлиқ якунлангандан кейин бир ҳафта муддат ичida Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

бакалавриат таълим йўналишларига мос тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси, баҳолаш мезонлари, тест топшириклари сони ҳамда тест синовларини ўтказишнинг аниқ муддатлари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланади;

2019/2020 ўқув йили қабулидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган давлат олий таълим муассасаларига бакалавриатга ўқишга кириш учун абитуриентлар Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиласидар.

3. Давлат тест маркази хузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қўйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин: олий таълим муассасаларининг оширилган тўлов-контракт тушумлари (5 фоизгача миқдорда);

Давлат тест маркази томонидан шартнома бўйича жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар;

абитуриентлардан тест синовларида иштирок этиши учун ундирилган тўловлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ҳамда техник қўмаклашиш маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

4. Белгилансинки, Жамғарманинг маблағлари фоиздаги улуши чегаралнмаган ҳолда қўйидаги мақсадларга сарфланади:

Давлат тест марказининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

Давлат тест маркази ходимларини, шу жумладан хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларида ўқитиш, малакасини ошириш ва стажировка ўташ;

Давлат тест марказининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ходимларга 30 фоиз, фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёхуд хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ходимларга ойлик иш ҳақининг 35 фоизи миқдорида устамалар тўлаб бериш;

Давлат тест маркази ходимларига лавозим маошининг 200 фоизигача бўлган миқдорда ойлик устамалар ва бошқа рафбатлантирувчи тўловларни амалга ошириш;

фуқаролик-хуқуқий шартномалар асосида юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижий экспертлар ва хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни Давлат тест марказига ишлаш учун жалб этиш;

тест синовлари жараёнига жалб этилган иштирокчиларга (бино раҳбари ва гурух назоратчилари) иш ҳаки тўлаш;

тест синовлари ўтказиладиган биноларнинг ижара тўловларини амалга ошириш;

қонун хужжатларида тақиқланмаган Давлат тест маркази фаолияти билан боғлиқ бошқа чора-тадбирлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича, тест синовлари ўтказиладиган биноларни жиҳозлаш учун олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар (шахсни идентификациялаш воситалари, видео қайд қилиш курилмалари, бармоқ изларини текширувчи, мобиъ алоқа тўлқинини тўсувчи воситалар, металл детекторлар ҳамда мониторлар) 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

мазкур қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқкан ҳолда Давлат тест марказининг ходимларнинг чекланган сони 186 нафардан иборат бўлган янгилangan тузилмасини тасдиқлаш ва унинг фаолиятини янада тақомиллаштириш тўғрисидаги Хукумат қарорини бир ой муддатда қабул қилсин;

Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурӣ марказларида Давлат тест марказлари худудий бўлимларини жойлаштириш ва келгусида тест синовларини ўйларидан давомида ўтказиш мақсадида енгил конструкцияли материаллардан катта сифимли бино ва иншоотларни куриш бўйича бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритисин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги ПҚ-3389-сон «Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида»-ги қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Давлат тест маркази манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун хужжатларида ушбу қарордан келиб чи-

кадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 май,
ПҚ-4319-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 14 майдаги
ПҚ-4319-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
16 ноябрдаги ПҚ-3389-сон «Республика олий таълим
муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини
ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги
қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг:

иккинчи хатбошисидаги «1 августдан 15 августгача» сўзлари «июль-август ойларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«абитуриентнинг тест синовидан тўплаган баллари ҳақидаги маълумотни тест синови ўтказилган куннинг эртасига, унинг талабаликка тавсия этилгани ёки этилмагани бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган танлов натижасини тест синовларини ўтказиш жараёни тўлиқ якунлангандан кейин бир ҳафта муддат ичida Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилиш;».

2. 4-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

тест материалларини тайёрлаш ва тест синовлари натижалари ўз вақтида эълон қилинишини таъминлаш мақсадида Давлат тест марказига замонавий моддий-техник воситалар ва жиҳозлар харид қилиш учун 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин;

Давлат тест марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда олий таълим муассасаларининг оширилган тўлов-контракт тушумлари (5 фоизга-ча миқдорда) ҳисобига бир ой муддатда Давлат тест маркази ҳузурида Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармасини ташкил этсин».

УЧИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

372 Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2016 й., 4-сон, 25-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиги У.Н. Ташкенбаев, мактабгача таълим вазири А.В. Шин, халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 май,
392-сон

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 майдага эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 13 майдаги 392-сон қарорига
ИЛОВА

**Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва
мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог
кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини (кейинги ўринларда педагог кадрлар деб аталади) аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Педагог кадрларнинг малака тавсифларига мувофиқлиги тегишлича Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда Мактабгача таълим вазирлиги деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда Халқ таълими вазирлиги деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (кейинги ўринларда Маданият вазирлиги деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази (кейинги ўринларда Касб-хунар таълими маркази деб аталади) ҳамда тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ходимларнинг асосий лавозимлари малака тавсифларидаи (кейинги ўринларда малака тавсифлари деб аталади) талаблар асосида ўрганилади.

3. Куйидагилар педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг асосий вазифалари хисобланади:

ўкув фани бўйича малакаси, дарс ўтиш маҳорати, меҳнати самарадорлиги ва ижтимоий-сиёсий билимларини оширган педагог кадрларни рафбатлантириш;

иш ҳақи микдорини ошириш имкониятларини яратиш;

хорижий тилларни ўрганишни қўллаб-қувватлаш;

компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш бўйича амалий кўнимкамаларга эга бўлишнинг мажбурийлигини таъминлаш.

4. Аттестациянинг асосий принциплари мажбурийлик, даврийлик, ошкоралик, кенгашиб иш кўриш ҳамда холислик хисобланади.

5. Аттестация педагог кадрлар учун ҳар беш йилда бир марта ўтказилади.

Педагог кадрлар уларнинг ёзма аризасига биноан навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилиши мумкин.

Педагог кадрларнинг аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

6. Аттестациядан белгиланган муддатда малака ошириш курсини тугатганлик тўғрисидаги сертификатга эга бўлган:

мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли;

умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим муассасаларининг олий маълумотли; касб-хунар таълими муассасаларининг олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли педагог кадрлари (ишлаб чиқариш таълими усталари) ўтказилиши шарт.

7. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг:

илмий даражага (фан номзоди, фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc) даражасига эга бўлган педагог кадрлари аттестацияга жалб этилмайди;

пенсия ёшида бўлган педагог кадрлар аттестацияга ўз хоҳишига қўра жалб этилади.

Аттестацияга жалб этилмаган педагог кадрларнинг мавжуд малака тоифалари ва лавозимлари таълим муассасаларида ишлаган даврида сақлашиб қолади.

8. Ишга янги қабул қилинган педагог кадрлар бир йилдан сўнг, олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини битириб биринчи бор ишга кирганлар касбий фаолиятига уч йил тўлгандан сўнг аттестацияга жалб этилади.

9. Тузилмасида умумтаълим бўйинлари мавжуд бўлган ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими муассасаларининг умумий ўрта таълим босқичида умумтаълим, чуқурлаштирилган ва касбий таълим фанларидан дарс бераётган педагог кадрлари аттестациядан ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими муассасалари учун белгиланган тартибда ўтказилади.

10. Мехнатга лаёқатсизлик варакаси расмийлаштирилган ҳолда узок муддат (уч ойдан ортиқ) даволанаётган, ҳомиладорлик, туғиши ҳамда болани парвариш қилиш таътилидаги педагог кадрлар иш фаолиятига қайтгандарига бир йил тўлгандан сўнг аттестацияга жалб этилади.

11. Аттестация ҳар йили март-июнь ойларida ўтказилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Давлат инспекцияси деб аталади) Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази ҳамда тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 20 январга қадар аттестациядан ўтиш муддати келган педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш жадвалини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

13. Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб

* 1-илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

аталади) раҳбарлари аттестация муддатини бир ой олдин эълон қилади ва педагог кадрларни аттестациядан ўtkазиш тартиби билан таништиради.

14. Аттестацияга доир ташкилий масалалар таълимни бошқариш бўйича маҳсус ваколат берилган давлат органлари ва таълим муассасалари раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги аттестациянинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, педагог кадрларнинг хукуқлари таъминланган ҳолда ўтишини назорат қилади.

16. Аттестация ўtkазишда таълимни бошқариш бўйича маҳсус ваколат берилган давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва аттестацияни назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Мувофиқлаштириш ишлари аттестация жадвалларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, шунингдек, аттестацияга оид фаолиятни ташкил этиш бўйича кўшма қарорлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишдан, биринчи, олий малака тоифали ва етакчи, бош ўқитувчи лавозимидағи ҳамда ушбу малака тоифалари ва лавозимларига талабгор педагог кадрлар учун тест (ёзма, ижодий иш) синовларини ўtkазишдан ҳамда уларнинг натижаларини эълон қилишдан, педагог кадрларнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисида сертификатлар топширилишини таъминлашдан иборат.

Аттестацияни назорат қилиш унинг натижаларини таҳлил қилиш, баҳолаш ҳамда ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган қарорларга оид маълумотномаларни Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий ривожлантириш масалалари котибиятига, тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга юбориш орқали амалга оширилади.

2-боб. Аттестацияни ташкил этиш ва аттестация комиссияларини тузиш

1-§. Умумий қоидалар

17. Педагог кадрлар асосий иш жойи бўйича аттестацияга жалб этилади. Таълим муассасаларида ўриндошлик асосида дарс берадиган ва асосий иш жойи бўйича педагогик фаолият билан шуфулланмайдиган педагог кадрлар ўриндошлик асосида фаолият юритаётган таълим муассасасида аттестациядан ўтади.

18. Таълим муассасалари педагог кадрларининг малака тоифалари ёки лавозимлари ушбу таълим муассасаларининг бир туридан бошқасига ишга ўтганда сақланади.

Бунда мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим тизимлари педагог кадрларининг иккинчи малака тоифаси ўрта маҳсус ва касбхунар таълими тизимларининг катта ўқитувчи лавозимига, биринчи малака тоифаси — етакчи ўқитувчи лавозимига, олий малака тоифаси — бош ўқитувчи лавозимига тенглаштирилади.

19. Педагог кадрлар ўрта маҳсус, қасб-хунар, олий маълумотли, илмий даража олганлиги ёки қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлиги ҳақидаги дипломда (кейинги ўринларда диплом деб аталади) кўрсатилган тайёрлов, таълим йўналишлари, мутахассислик ёки ихтиносликларига мос қеладиган фанлар бўйича аттестациядан ўтади.

Педагог кадрларнинг дипломида биттадан ортиқ тайёрлов ёки таълим йўналиши, мутахассислик ёки ихтинослик кўрсатилган бўлса, улар дарс бергаётган ҳар бир ўқув фани бўйича алоҳида аттестациядан ўтади.

20. Таълим муассасалари раҳбарлари аттестациядан ўтувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида хужжатлар йиғмажилди тайёрлади.

Хужжатлар йиғмажилдидаги аттестациядан ўтувчининг паспорти, дипломи, аттестациядан ўтганлиги тўғрисида олган ва амалда фойдаланаётган сертификати (агар мавжуд бўлса), малака оширганлиги ҳақидаги сертификати нусхалари, маълумотнома-таржимаи ҳол, сўнгги бир йил давомида ўтган дарсларнинг таҳлиллари, очиқ дарслар ўтганлиги ҳақидаги маълумотлар, таълим олувчилиари рейтинги ва эришган ютуқлари (агар мавжуд бўлса) тўпланади.

21. Педагог кадрлар аттестацияси уларнинг малака тавсифларида белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолият кўрсатишни тасдиқловчи мактабгача таълим бошқармалари, ҳалқ таълими бошқармалари, маданият бошқармалари, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, қасб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари ҳамда олий таълим муассасалари аттестация комиссиялари, туман (шахар) ва муассасалар аттестация комиссиялари, тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар аттестация комиссиялари (кейинги ўринларда аттестация комиссиялари деб аталади) томонидан амалга оширилади.

2-§. Мактабгача давлат таълим муассасалари педагог кадрлари учун аттестацияни ташкил этиш ва аттестация комиссияларини тузиш

22. Коракалпогистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларида, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасида (кейинги ўринларда мактабгача таълим бошқармалари деб аталади) мактабгача таълим муассасаларида олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш учун мактабгача таълим бошқармалари аттестация комиссиялари тузилади.

Мактабгача таълим бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби Мактабгача таълим вазирлиги ва Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Мактабгача таълим бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби мактабгача таълим бошқармалари бошлиғи (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий бўлими вакили (комиссия раиси ўринбосари), Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда касаба уюшмаси деб аталади) вакили, икки нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари комиссия котиби) иборат бўлади.

23. Қўйидагилар мактабгача таълим бошқармалари аттестация комиссияларининг вазифалари хисобланади:

олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

туман (шаҳар) ва муассасалар аттестация комиссияларининг биринчи ва иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестацияси якунлари бўйича хисоботларини таҳлил қилиш;

олий, биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

24. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларида биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациясини ўтказиш учун туман (шаҳар) аттестация комиссиялари тузилади.

Туман (шаҳар) аттестация комиссиялари таркиби мактабгача таълим бошқармаси бошлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

Туман (шаҳар) аттестация комиссиялари таркиби туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудири (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг худудий бўлими вакили (комиссия раиси ўринбосари), касаба уюшмаси вакили, икки нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари комиссия котиби) иборат бўлади.

25. Қўйидагилар туман (шаҳар) аттестация комиссияларининг вазифалари хисобланади:

биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

муассасалар аттестация комиссияларининг иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестацияси якунлари бўйича хисоботларини таҳлил қилиш;

биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун мактабгача таълим бошқармалари комиссияларига буюртманома бериш.

26. Таълим муассасаларида иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациясини ўтказиш учун муассасалар аттестация комиссиялари тузилади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари мудирларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби таълим муассасалари раҳбари (комиссия раиси), туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими ходими (комиссия раисининг ўринбосари), касаба уюшмаси ва Кузатув кенгаши вакиллари, уч нафар аттестациядан ўтган, биринчи ёки олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари комиссия котиби) иборат бўлади.

27. Қўйидагилар муассасалар аттестация комиссияларининг вазифалари хисобланади:

иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун туман (шахар) аттестация комиссиясига буюртманома бериш.

3-§. Умумий ўрта таълим муассасалари педагог кадрлари учун аттестацияни ташкил этиш ва аттестация комиссияларини тузиш

28. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, вилоятлар халқ таълими бошқармаларида, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида (кейинги ўринларда халқ таълими бошқармалари деб аталади) умумий ўрта таълим муассасаларида (барча тип ва номдаги мактаблар ва мактаб-интернатлардаги) умумтаълим фанлари бўйича олий малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун халқ таълими бошқармалари аттестация комиссиялари тузилади.

Халқ таълими бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби Халқ таълими вазирлиги, тизимида умумий ўрта таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда Давлат инспекциясининг кўшма қарори билан тасдиқланади.

Халқ таълими бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби халқ таълими бошқармалари бошлиғи (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг худудий бўлими вакили (комиссия раиси ўринбосари), халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази ходими, касаба уюшмаси вакили, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

29. Қуидагилар халқ таълими бошқармалари аттестация комиссияларининг вазифалари хисобланади:

олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

туман (шахар) ва муассасалар аттестация комиссияларининг биринчи ва иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси якунлари бўйича хисботларини таҳлил қилиш;

олий, биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой мuddатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

30. Туман (шахар) халқ таълими бўлимларида биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун туман (шахар) аттестация комиссиялари тузилади.

Туман (шахар) аттестация комиссиялари таркиби халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

Туман (шахар) аттестация комиссиялари таркиби халқ таълими бўлими мудири (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг худудий бўлими вакили (комиссия раиси ўринбосари), халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази ходими, касаба

ба уюшмаси вакили, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

31. Кўйидагилар туман (шахар) аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўtkазиш;

муассасалар аттестация комиссияларининг иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси якунлари бўйича ҳисботларини таҳлил қилиш;

биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун халқ таълими бошқармалари комиссияларига буюртманома бериш.

32. Таълим муассасаларида иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун муассасалар аттестация комиссиялари тузилади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби туман (шахар) халқ таълими бўлимлари мудирларининг бўйруқлари билан тасдиқланади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби таълим муассасалари раҳбари (комиссия раиси), туман (шахар) халқ таълими бўлими ходими (комиссия раисининг ўринбосари), касаба уюшмаси ва Кузатув кенгаши вакиллари, уч нафар аттестациядан ўтган, биринчи ёки олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

33. Кўйидагилар муассасалар аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўtказиш;

иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун туман (шахар) аттестация комиссиясига буюртманома бериш.

4-§. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар педагог кадрлари учун аттестацияни ташкил этиш ва аттестация комиссияларини тузиш

34. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигига, вилоятлар маданият бошқармаларида, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармасида (кейинги ўринларда маданият бошқармалари деб аталади) болалар мусиқа ва санъат мактабларининг, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг чуқурлаштирилган ва касбий таълим фанлари бўйича олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларини аттестациядан ўtказиш учун маданият бошқармалари аттестация комиссиялари тузилади.

Маданият бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби Маданият вазирлиги ва Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Маданият бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби маданият

бошқармаси бошлиғи (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий бўлими вакили (комиссия раиси ўринбосари), касаба уюшмаси вакили, икки нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

35. Қўйидагилар маданият бошқармалари аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

туман (шахар) ва муассасалар аттестация комиссияларининг биринчи ва иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси якунлари бўйича ҳисоботларини таҳлил қилиш;

олий, биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

36. Туман (шахар) маданият бўлимларида биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун туман (шахар) аттестация комиссиялари тузилади.

Туман (шахар) аттестация комиссиялари таркиби тегишли маданият бошқармаси бошлигининг буйруги билан тасдиқланади.

Туман (шахар) аттестация комиссиялари таркиби тегишли маданият бошқармаси бошлигининг буйруги билан тасдиқланади.

37. Қўйидагилар туман (шахар) аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

муассасалар аттестация комиссияларининг иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси якунлари бўйича ҳисоботларини таҳлил қилиш;

биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун маданият бошқармалари аттестация комиссияларига буюртманома бериш.

38. Таълим муассасаларида иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун муассасалар аттестация комиссиялари тузилади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби тегишли туман (шахар) маданият бўлими мудирининг буйруги билан тасдиқланади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби таълим муассасаси рахбари (комиссия раиси), туман (шахар) маданият бўлими ходими (комиссия раисининг ўринбосари), касаба уюшмаси ва таълим муассасаси Кузатув кенгаши вакиллари, уч нафар аттестациядан ўтган, биринчи ёки олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

39. Қўйидагилар муассасалар аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун туман (шахар) аттестация комиссиясига буюртманома бериш.

5-§. Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари ҳамда болалар-ўсмиirlар спорт мактабларининг педагог кадрлари учун аттестацияни ташкил этиш ва аттестация комиссияларини тузиш

40. Корақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошкармаларида (кейинги ўринларда жисмоний тарбия ва спорт бошкармалари деб аталади) спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари ҳамда болалар-ўсмиirlар спорт мактабларининг чукурлаштирилган ва касбий таълим фанлари бўйича олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш учун жисмоний тарбия ва спорт бошкармалари аттестация комиссиялари тузилади.

Жисмоний тарбия ва спорт бошкармалари аттестация комиссиялари таркиби Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Жисмоний тарбия ва спорт бошкармалари аттестация комиссиялари таркиби жисмоний тарбия ва спорт бошкармалари бошлифи (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг худудий бўлими вакили (комиссия раиси ўринбосари), касаба уюшмаси вакили, икки нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

41. Кўйидагилар жисмоний тарбия ва спорт бошкармалари аттестация комиссияларининг вазифалари хисобланади:

олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

туман (шахар) ва муассасалар аттестация комиссияларининг биринчи ва иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси якунлари бўйича хисоботларини таҳжил қилиш;

олий, биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

42. Туман (шахар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларида биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун туман (шахар) аттестация комиссиялари тузилади.

Туман (шахар) аттестация комиссиялари таркиби тегишли жисмоний тарбия ва спорт бошкармаси бошлигининг бўйруғи билан тасдиқланади.

Туман (шахар) аттестация комиссиялари таркиби туман (шахар) жисмоний тарбия ва спорт бўлими мудири (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг худудий бўлими вакили (комиссия раиси ўринбосари), касаба уюшмаси вакили, икки нафар аттестациядан ўтган, биринчи ёки олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

43. Кўйидагилар туман (шахар) аттестация комиссияларининг вазифалари хисобланади:

биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

муассасалар аттестация комиссияларининг иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси якунлари бўйича хисботларини тахлил қилиш;

биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари аттестация комиссияларига буюртманома бериш.

44. Таълим муассасаларида иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун муассасалар аттестация комиссиялари тузилади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби тегишли туман (шахар) жисмоний тарбия ва спорт бўлими мудирининг буйруги билан тасдиқланади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби таълим муассасаси раҳбари (комиссия раиси), туман (шахар) жисмоний тарбия ва спорт бўлими ходими (комиссия раисининг ўринбосари), касаба уюшмаси ва таълим муассасаси Кузатув кенгashi вакиллари, уч нафар аттестациядан ўтган, биринчи ёки олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

45. Кўйидагилар муассасалар аттестация комиссияларининг вазифалари хисобланади:

иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун туман (шахар) аттестация комиссиясига буюртманома бериш.

6-§. Касб-хунар таълими ҳамда ўрта маҳсус таълим педагог кадрлари учун аттестацияни ташкил этиш ва аттестация комиссияларини тузиш

46. Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар касб-хунар таълими худудий бошқармаларида касб-хунар таълими педагог кадрларини (ишлаб чиқариш таълими усталарини) аттестациядан ўтказиш учун касб-хунар таълими худудий бошқармалари аттестация комиссиялари тузилади.

Касб-хунар таълими худудий бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби Касб-хунар таълими маркази, тизимида касб-хунар таълими муас-

сасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда Давлат инспекциясининг кўшма қарори билан тасдиқланади.

Касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби ҳудудий касб-хунар таълими бошқармаси раҳбар ходимлари (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий вакили (комиссия раиси ўринбосари), Касб-хунар таълими тизими инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг маъсул ходими ёки олий таълим муассасаларининг соҳага маъсул проректорлари, касаба уюшмаси вакили, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог ёки бош ўқитувчидан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

47. Кўйидагилар касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимларига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимдаги педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

48. Олий таълим муассасаларида улар таркибидаги ўрта маҳсус таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш учун олий таълим муассасаларининг ўрта маҳсус таълим аттестация комиссиялари тузилади.

Олий таълим муассасаларининг ўрта маҳсус таълим аттестация комиссиялари таркиби Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, тизимида ўрта маҳсус таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда Давлат инспекциясининг кўшма қарори билан тасдиқланади.

Олий таълим муассасаларининг ўрта маҳсус таълим аттестация комиссиялари таркиби олий таълим муассасасининг соҳага маъсул проректори (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий вакили (комиссия раисининг ўринбосари), олий таълим муассасасининг таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлифи, касаба уюшмаси вакили, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог ёки бош ўқитувчидан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

49. Кўйидагилар олий таълим муассасаларининг ўрта маҳсус таълим аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимларига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимдаги педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

7-§. Вазирлик ва идораларнинг тўғридан-тўғри тизимидағи таълим муассасалари педагог кадрлари учун аттестацияни ташкил этиш ва аттестация комиссияларини тузиш

50. Вазирлик ва идораларнинг тўғридан-тўғри тизимидағи таълим муассасалари иккинчи, биринчи ва олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларини аттестациядан ўtkазиш учун вазирлик ёки идора аттестация комиссиялари тузилади.

Вазирлик ёки идора аттестация комиссиялари таркиби умумий ўрта таълим муассасалари бўйсунадиган вазирлик ёки идора ва Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Вазирлик ёки идора аттестация комиссиялари таркиби тегишли вазирлик ёки идоранинг соҳага масъул таркибий бўлинмаси раҳбари (комиссия раиси), Давлат инспекциясининг вакили (комиссия раисининг ўринбосари), ушбу таълим муассасаси раҳбари, касаба уюшмаси вакили, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог ёки бош ўқитувчидан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

51. Куйидагилар вазирлик ёки идора аттестация комиссияларининг вазифалари хисобланади:

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифаларига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўtkазиш;

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифаларидаги педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

52. Вазирлик ва идораларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда ҳудудий бўлинмалар деб аталади) ҳамда туман (шаҳар) ҳудудий бўлинмалари тизимидағи таълим муассасалари иккинчи, биринчи ва олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларини аттестациядан ўtказиш учун ҳудудий бўлинмалар аттестация комиссиялари тузилади.

Ҳудудий бўлинмалар аттестация комиссиялари таркиби таълим муассасалари бўйсунадиган вазирлик ёки идора ва Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Ҳудудий бўлинмалар аттестация комиссиялари таркиби ҳудудий бўлинма раҳбари (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий бўлими вакили (комиссия раиси ўринбосари), касаба уюшмаси вакили, икки нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудида жойлашган вазирликлар ва идораларнинг тўғридан-тўғри тизимидағи таълим муассасалари иккинчи, биринчи ва олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларини аттестациядан ўtказиш ҳудудий бўлинмалар аттестация комиссиялари томонидан амалга оширилади.

53. Қўйидагилар ҳудудий бўлинмалар аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифаларига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиши;

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифаларидаги педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

54. Аттестациядан ўтувчи педагог кадрлар аттестация комиссиялари таркибига киритилмайди.

55. Аттестация комиссиялари раислари ва аъзолари аттестация ушбу Низом талабларига ҳамда аттестация жадвалига мувофиқ ўтказилиши учун масъул ҳисобланадилар.

56. Аттестациядан ўтувчи педагог кадрларнинг малака тавсифларида ва баҳолаш мезонларида белгиланган талабларни бажарганликлари ҳақидаги тавсияларни тайёрлаш учун таълим муассасалари раҳбарлари буйруғи билан эксперт гурӯҳи тузилади.

57. Эксперт гурӯҳи таркиби беш нафар аъзодан иборат бўлади.

Эксперт гурӯҳи аъзолари таркибига таълим муассасалари раҳбарининг ўкув ишлари бўйича ўринбосари (мактабгача таълим муассасаси методистлари) ва тажрибали педагог кадрлар киритилади.

58. Таълим муассасалари раҳбарлари эксперт гурӯҳи томонидан тайёрланган тавсия ва хужжатлар йиғмажилдларини тегишли аттестация комиссияларига тақдим этади.

3-боб. Аттестациядан ўтказиши, сертификатлар бериш ҳамда таълим олганлик тўғрисидаги маълумотларга қўйилган талабларни белгилаш

59. Аттестация икки босқичда ўтказилади:

биринчи босқичда — аттестациядан ўтувчиларнинг ўкув фани бўйича малака синови натижалари, дарс ўтиш маҳорати ва меҳнати самарадорлиги эксперт гурӯҳи томонидан ўрганилади ҳамда тегишли тавсиялар тайёрланади;

иккинчи босқичда — аттестация комиссиялари эксперт гурӯҳи томонидан ўрганилган биринчи босқич натижаларини таҳлил қиласди, аттестация жараёнида тўплangan хужжатлар жамланмасини (портфолиосини) ўрганиди ва педагог кадрни малака тоифасида (лавозимида) қолдириш ёки бошқа тоифа (лавозим) бериш тўғрисида қарор қабул қиласди.

60. Аттестация қўйидаги баҳолаш мезонлари бўйича ўтказилади:

а) дарс ўтиш маҳорати — дарс таҳлиллари, очик дарслар ўтганлиги, таълим олувчиларининг рейтинг кўрсаткичлари, таълим бериш воситалари ҳамда шаклларини мақбул равишда танлаши, компьютер техникиаси ва ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш бўйича амалий кўнинмаларга ҳамда хорижий тиллар ва ижтимоий-сиёсий билимларга эга эканлигини аниқлаш;

б) меҳнати самарадорлиги — таълим олувчиларнинг тайёрлаганлиги, таълим олувчилар ва аттестациядан ўтувчиларнинг туман, шаҳар, вилоят, республика, халқаро кўрик-танловлар, фан олимпиадалари ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари;

в) ўқув фани бўйича малака синовлари — дипломида кўрсатилган тайёрлов, таълим йўналишлари, мутахассислиги ёки ихтиососликлари бўйича давлат таълим стандартлари ёки давлат талаблари мазмуни асосида ўтказиладиган тест (қоғозда, онлайн, оффлайн) ёзма ёки ижодий иш натижалари.

61. Педагог кадрларнинг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари Давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади.

62. Биринчи ва олий малака тоифали, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимидағи ҳамда ушбу малака тоифалари ва лавозимларга талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Аттестациядан ўтказганлик учун йиғимнинг 50 фоизи Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадига ўтказилади, қолган 50 фоизи Давлат инспекциясининг бюджетдан ташқари Ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

Ариза берувчи берилган аризадан воз кечган тақдирда ҳамда педагог кадрга нисбатан «Аттестациядан ўтмади, тегишли малака тоифаси ёки лавозими туширилсин» қарори қабул қилинганда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Педагог кадрлар аттестациянинг бирор босқичида узрли сабабга (меҳнатга лаёкатсизлик варақаси, таълимни бошқариш бўйича маҳсус ваколат берилган давлат органи ёки таълим муассасалари раҳбарлари маълумотномаси) кўра келмаган бўлса, уларнинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилган тақдирда йиғим суммаси такроран ундирилмайди.

63. Биринчи ва олий малака тоифали, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимидағи ҳамда ушбу малака тоифалари ва лавозимларга талабгор педагог кадрлар учун назорат материаллари мазмунини шакллантириш, кўпайтириш ва ушбу жараённи ўтказиш Давлат инспекцияси томонидан Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази ҳамда тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда амалга оширилади.

64. Ўқув фани бўйича малака синовига оид ёзма ва ижодий иш ҳамда иккинчи малака тоифасига ва катта ўқитувчи лавозимига талабгор педагог кадрларнинг тест синовларини ўтказиш тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда таълим турлари бўйича Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва

спорт вазирлиги ҳамда Касб-хунар таълими маркази томонидан амалга оширилади.

65. Аттестация комиссиялари педагог кадрларнинг дарс ўтиш маҳорати ва меҳнати самарадорлиги ҳамда ўқув фани бўйича малака синови натижаларини таҳлил қиласи ва тегишли қарор қабул қиласи.

66. Аттестация комиссияси аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

67. Аттестация комиссиялари қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласи:

а) олий малака тоифали ёки бош ўқитувчи лавозимидағи педагог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

75 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими) сақлансин»;

75 фоиздан паст кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтмади, биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими)га туширилсин»;

б) биринчи малака тоифали ёки етакчи ўқитувчи лавозимидағи педагог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

75 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими) берилсин»;

74 фоиздан 65 фоизгacha кўrсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими) сақлансин»;

65 фоиздан кам кўrсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтмади, иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими)га туширилсин» (навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бундан мустасно);

в) иккинчи малака тоифали ёки катта ўқитувчи лавозимидағи педагог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

65 фоиз ва ундан юқори кўrсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими) берилсин»;

64 фоиздан 60 фоизгacha кўrсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими) сақлансин»;

60 фоиздан кам кўrсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи) лавозимига туширилсин» (навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бундан мустасно);

г) мутахассис, олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи лавозимидағи педагог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

60 фоиз ва ундан юқори кўrсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими) берилсин»;

59 фоиздан 55 фоизгacha кўrсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, мутахассис (олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи) лавозими сақлансин»;

55 фоиздан кам кўrсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи) лавозимига мувофиқ эмас».

68. Аттестация комиссиялари мутахассис, олий ёки ўрта маҳсус, касб-

хунар маълумотли ўқитувчи лавозимидағи педагог кадрлар бўйича «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи) лавозимига мувофиқ эмас» қарорини қабул қилса, улар навбатдан ташқари малака ошириш курсларига юборилади ҳамда кейинги йилда қайта аттестацияга жалб этилади.

Аттестация комиссиялари қайта аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бўйича «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи) лавозимига мувофиқ эмас» қарорини қабул қилса, иш берувчи томонидан улар билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат хақидаги қонунларда белгиланган тартибда бекор қилинади.

69. Баҳолаш мезонлари бўйича ўртача кўрсаткич чиқарилмайди ҳамда баҳолаш мезонларининг бирортаси бўйича белгиланган кўрсаткичдан паст баҳоланса «аттестациядан ўтмади» деган қарор қабул қилинади.

70. Педагог кадрлар аттестациянинг бирор босқичида узрли сабабга (меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, таълимни бошқариш бўйича маҳсус ваколат берилган давлат органи ёки таълим муассасалари раҳбарлари маълумтономаси) кўра келмаган бўлса, уларнинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилади.

71. Педагог кадр узрсиз сабабга кўра аттестациянинг бирор босқичида иштирок этмаган бўлса, аттестациядан ўтмаган хисобланади ҳамда унга нисбатан «Аттестациядан ўтмади, тегишли малака тоифаси ёки лавозими туширилсин», мутахассис, олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи лавозими бўйича «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи) лавозимига мувофиқ эмас» қарори қабул қилинади.

72. Аттестация комиссиялари қарори ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ҳамда комиссия раиси, раис ўринbosари ва котиб томонидан имзоланади.

73. Аттестация комиссиялари қарори асосида ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклдаги аттестация вараваси расмийлаштирилади ҳамда аттестация комиссияси раиси, раис ўринbosари, йиғилишда иштирок этган аъзолар ва котиб томонидан имзоланади.

Аттестация вараваси икки нусхада тўлдирилади ва бир нусхаси педагог кадрларнинг иш жойидаги шахсий хужжатлари йиғмажилдида, иккинчи нусхаси аттестация комиссиясида сакланади.

74. Педагог кадрларнинг аттестациясига оид хужжатларининг тўплangan йиғмажилди навбатдаги аттестациягача таълим муассасасида сакланади.

75. Аттестация комиссияларининг қарорига кўра олий, биринчи, иккинчи малака тоифасига ёки бош, етакчи, катта ўқитувчи лавозимига эга бўлган педагог кадрларга ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклдаги педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификат (кейинги ўринларда сертификат деб аталади) аттестация ўtkазилгандан сўнг бир ой муддат ичидаги топширилади.

* 2-3-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Сертификатларнинг хатосиз тўлдирилиши учун аттестация комиссияси раислари масъул ҳисобланади.

76. Сертификат катъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, унда ҳисоб серияси, раками ва ҳимоя даражаси бўлади. Сертификат бланкала-ри Давлат инспекцияси буюртмаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси босмахонасида тайёрланади.

77. Давлат инспекцияси бошлиғи, мактабгача таълим бошқармалари, ҳалқ таълими бошқармалари, маданият бошқармалари, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, касб-ҳунар таълими бошқармалари бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректорлари, туман (шахар) мактабгача таълим, ҳалқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ва таълим муассасалари раҳбарлари, тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари сертификатларнинг ҳисоби, сақланиши ҳамда мақсадли ишлатилиши юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланади.

78. Аттестация комиссиялари сертификатларнинг педагог кадрларга тарқатилишини рўйхатга олиш учун маҳсус дафтар (саҳифаланган, тикилган ва муҳрланган) юритади ва унда қўйидагиларни қайд этади:

тартиб раками;

педагог кадрларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

сертификатнинг тартиб раками, серияси;

сертификат берилишига асос бўлган комиссия қарорининг санаси ва тартиб раками;

сертификатни берган комиссиянинг номи;

сертификатнинг амал қилиш муддати;

сертификат нусхаси (дубликати)нинг берилиши асоси ва санаси.

79. Педагог кадрларнинг базавий тариф ставкалари микдори, уларнинг малака тоифаси ёки лавозими сертификат асосида белгиланади.

80. Сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган педагог кадрларга мутахассис, олий ёки ўрта маҳсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи лавозими бўйича ҳақ тўланади.

81. Сертификатнинг амал қилиш муддати тугаб, мутахассис, олий ёки ўрта маҳсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи лавозими бўйича ҳақ тўла-наётган педагог кадрлар навбатдаги аттестацияга охирги сертификатда кўрса-тилган малака тоифаси ёки лавозими бўйича жалб қилинади.

82. Давлат инспекцияси Мактабгача таълим вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Касб-ҳунар таълими маркази билан келишган ҳолда сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартибини белгилайди.

83. Аттестациядан ўтганлиги тўврисида сертификатга эга бўлмаган ишга янги қабул қилинган педагог кадрларга ёхуд олий ёки касб-ҳунар таълими муассасаларини битириб биринчи бор ишга кирган педагог кадрларга қўйи-даги тартибда малака тоифаси (лавозими) берилади:

ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли педагог кадрларга — ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли ўқитувчи лавозими;

бакалавр даражасига эга педагог кадрларга — мутахассис ёки олий маълумотли ўқитувчи лавозими;

магистр даражасига эга мутахассисларга, шунингдек олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотли педагог кадрларга — иккинчи малака тоифаси ёки катта ўқитувчи лавозими (ушбу малака тоифаси ёки лавозимига эга бўлган педагог кадрлар беш йилдан кейин белгиланган тартибда навбатдаги аттестацияга жалб қилинади);

илмий даражага (фан номзоди, фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражасига эга бўлган педагог кадрларга — олий малака тоифаси ёки бош ўқитувчи лавозими (ушбу малака тоифаси ёки лавозимига эга бўлган педагог кадрлар кейинги аттестацияларга жалб қилинмайди).

4-боб. Аттестация натижалари юзасидан мурожаат қилиш

84. Аттестация комиссиялари қароридан норози бўлган педагог кадрлар аттестация натижалари эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида апелляция комиссиясига ёзма равишда ариза (шикоят) беришлари мумкин.

85. Апелляция комиссияси беш кишидан иборат таркибда аттестация бошлангандан кейин уч кун ичida тегишилигига кўра:

мактабгача таълим вазири, халқ таълими вазири, маданият вазири, жисмоний тарбия ва спорт вазирининг тегишли буйруқлари билан ушбу вазирликларда — олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун;

мактабгача таълим вазири, халқ таълими вазири, маданият вазири, жисмоний тарбия ва спорт вазирининг тегишли буйруқлари билан мактабгача таълим, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларида — биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун;

мактабгача таълим, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари бошлиқларининг тегишли буйруқлари билан мактабгача таълим, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бўлимларида — иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун;

олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази ҳамда тизимида таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг тегишли буйруқлари билан олий таълим муассасаларида, касб-хунар таълими бошқармаларида ҳамда худудий бўлинмаларда иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимларига талабгор педагог кадрларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун ташкил этилади.

86. Апелляция комиссиясининг таркиби ва иш тартиби апелляция комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги буйруқда белгиланади.

87. Апелляция комиссияси таркибига аттестация комиссиялари таркибидан аъзо киритилмайди.

88. Апелляция комиссияси муаммоли ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида жамоатчилик асосида малакали мутахассисларни жалб этиши мумкин.

89. Апелляция комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этса, унинг қабул қилган қарори қонуний кучга эга бўлади.

90. Ариза (шикоят) рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда кўриб чиқилади.

91. Мурожаат этувчи педагог кадрлар апелляция комиссияси томонидан аризаси (шикояти) кўриб чиқилиши жараёнида иштирок этиши мумкин.

92. Апелляция комиссияси аттестация комиссияси қарорини ўзгартиришсиз қолдириш ёки уни бекор қилиб, қайта аттестация ташкил этиш ҳакида қарор чиқаради.

93. Апелляция комиссияси қарори нусхаси мурожаат этувчи педагог кадрга ва тегишли аттестация комиссиясига апелляция комиссияси қарори чиққан кундан эътиборан беш кун муддатда тақдим этилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

94. Аттестация комиссияси ёки апелляция комиссияси қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

95. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисида
СЕРТИФИКАТ

Серияси _____ № _____

Ушбу сертификат _____ га
(фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ йил «____» _____ да ўтказилган _____
(комиссия номи ёзилади) ЙИФИЛИШИННИГ

_____ -сон қарори асосида _____ бўйича
(тайёрлов ёки таълим йўналиши, мутахассислиги ёки ихтисослиги сўз билан ёзилади)
берилди.
(малака тоифаси ёки лавозими сўз билан ёзилади)

Комиссия раиси _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

М.Ў.

Кайд рақами _____
(тарқатиш дафтарига кайд этилган рақам ёзилади)

_____ йил «____» _____
(йил, кун ва ой кўрсатилади)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

373 Мехнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда, энг аввало, янги иш ўринлари ташкил этиш ва тадбиркорлик ташаббусларини фаол қўллаб-кувватлаш хисобидан ахоли, айниқса, ёшлар фаровонлигини ошириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги вазифаларни ҳал этиш меҳнат бозорининг, шу жумладан жойларда ташкил этилаётган йирик корхоналар ва кластерларнинг эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда, юқори малакали ишчи мутахассисларни тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Мехнат бозорининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, касбга ўқитишни ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграциялаштириш, касбий билим ва кўникмаларни баҳолашнинг халқаро тизими ни жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифаларга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Иктиносидёт ва саноат вазирлигининг Касбий малака, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизимини (кейинги ўринларда Касбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими деб аталади) жорий этиш тўғрисида қўйидагиларни назарда тутувчи таклифига розилик берилсин:

касб-хунар коллажларида йирик корхоналар ва кластерлар учун, шунингдек, меҳнат бозоридаги реал эҳтиёжни хисобга олган ҳолда, давлатхусусий шериклик шартлари асосида ўрта бўғин мутахассислар ва ишчи касблар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган банд бўлмаган ахолини касбга ўқитиш нодавлат марказларида (кейинги ўринларда касбга ўқитиш марказлари деб аталади) банд бўлмаган ахоли, айниқса, ёшларни касбга ўқитишни ташкил этиш;

белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган билим ва кўникмаларни баҳолаш нодавлат марказлари (кейинги ўринларда билим ва кўникмаларни баҳолаш марказлари деб аталади) фаолиятини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан меҳнат бозори талабларини хисобга олган ҳолда, банд бўлмаган

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 майда эълон қилинган.

аҳолини Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан касбга ўқитиш марказлари ва бошқа таълим муассасалари билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида касбга ўқитиш учун давлат буюртмасини ҳар йили жойлаштириш;

билим ва кўникмаларни баҳолаш марказлари томонидан муайян мутахассислик (касб) бўйича касбий билим ва кўникма даражасини тасдиқлайдиган ҳамда Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификаторига мувофиқ ишчилар касблари малака разрядларини бериш учун асос ҳисобланадиган малака сертификатларини бериш амалиётини жорий этиш;

ўрта бўғин мутахассислар ва ишчиларнинг малака даражасини изчил ошириб бориш механизмини жорий қилиш;

ўрта бўғин мутахассислар ва ишчи касблар лавозимларининг касб стандартларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва янгилаб бориш механизмини жорий қилиш;

ихтиёрийлик, ишончлилик, тўлов ва шаффоффлик принциплари асосида касбий билим ва кўникмаларни баҳолаш ҳамда беришда иштирок этиш.

2. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, касб-хунар колледжларида йирик корхоналар ва кластерлар учун талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассислар ва ишчи касблар бўйича кадрларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тайёрлаш тартиби эксперимент сифатида жорий қилинсин.

3. Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази билан биргаликда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассисларни ҳамда ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлашни ташкил этиш учун касб-хунар колледжлари ҳамда уларга бириктирилган йирик корхоналар ва кластерлар рўйхати (кейинги ўринларда рўйхат деб аталади) тузилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Касб-хунар колледжларида йирик корхоналар ва кластерлар учун талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассислар ҳамда ишчи касблар бўйича кадрларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тайёрлашни ташкил этиш бўйича ишчи гурӯҳ 1-иловага* мувофиқ таркибда (кейинги ўринларда Ишчи гурӯҳ деб аталади) тузилсан.

Қуйидагилар Ишчи гурӯхнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жойларга бориб ва рўйхатда кўрсатилган йирик корхоналар ва кластерлар раҳбарлари билан шахсан учрашувлар ўтказиб, юқори малакали ўрта бўғин мутахассисларни ҳамда ишчи касблар бўйича кадрларга бўлган реал эҳтиёжни ўрганишни ташкил қилиш;

рўйхатда кўрсатилган йирик корхоналар ва кластерлар раҳбарларига касб-хунар колледжларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассисларни ва ишчи касблар бўйича

* 1-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кадрларни тайёрлашни ташкил этишда томонларнинг устуворликлари, хуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш;

касб-хунар колледжларида талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассисларни ва ишчи касблар бўйича кадрларни давлат-хусусий шериклик шартлари, шу жумладан йирик корхоналар ва кластерлар раҳбарларининг уларни рўйхатга киритиш тўғрисида асослантирилган ёзма буюртманомалари асосида тайёрлашни ташкил этишини янада кенгайтиришга кўмаклашиш;

юклама даражаси паст бўлган ёки реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки қайта жиҳозлашни талаб қиласидан ва бинолари ҳамда иншоотлари касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш учун хусусий инвесторларга берилиши мумкин бўлган касб-хунар колледжларини аниқлаш.

4. Ишчи гурух (Абдуҳакимов):

а) икки ой муддатда қўйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи хукумат қарори лойиҳасини:

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида касб-хунар колледжларида йирик корхоналар ва кластерлар учун талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассисларни ва ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлашни ташкил этиш учун уларнинг буюртманомаларини ҳисобга олган ҳолда тузилган касб-хунар колледжларининг рўйхати;

бинолари ва иншоотлари касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш учун хусусий инвесторларга берилиши мумкин бўлган касб-хунар колледжларининг рўйхати;

Касб-хунар колледжларида йирик корхоналар ва кластерлар учун талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассислар ҳамда ишчи касблар бўйича кадрларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тайёрлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом;

б) касб-хунар колледжларида йирик корхоналар ва кластерлар учун талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассислар ҳамда ишчи касблар бўйича кадрларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тайёрлашни ташкил этиш юзасидан жорий қилинган эксперимент натижаларини таҳлил қилиш якунлари бўйича асослантирилган таклифларни киритсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, касб-хунар колледжларида ушбу қарорнинг 2-бандига мувофиқ ўрта бўғин мутахассисларни ва ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш қўйидагилар асосида ташкил этилади:

а) қўйидагиларни назарда тутувчи давлат-хусусий шериклик шартлари асосида:

йирик корхона ёки кластер, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўртасида уч томонлама шартнома тузиш, унда томонларнинг хуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, давлат-хусусий шерикликнинг бошқа шартларини мустахкамлаш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан касб-хунар коллежларида банд бўлмаган аҳолини қасбга ўқитиш учун давлат буюртмасини ҳар йили жойлаштириш;

умумтаълим муассасаларининг 9-синфини тугатгандан кейин ўқишга қабул қилинадиган шахсларни ўқитиш учун касб-хунар коллежларининг профессор-ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек, касб-хунар коллежлари бинолари ва иншоотларини сақлаб туриш учун касб-хунар коллежи умумий харажатларининг 50 фоизидан ошмайдиган харажатларни бюджет маблағлари ҳисобидан ва етишмаётган қисмини эса йирик корхоналар ва кластерлар маблағлари ҳисобидан қоплаш;

умумтаълим муассасаларининг 11-синфини тугатгандан кейин ўқишга қабул қилинадиган шахсларни ўқитиш учун касб-хунар коллежларининг маъмурий ва хизмат кўрсатувчи ходимлари, шунингдек, профессор-ўқитувчилари меҳнатига йирик корхоналар ва кластерлар ёки таълим олувчилар ёхуд бошқа ўқитиш буюртмачилари ҳисобидан ҳақ тўлаш;

б) қуидаги тартиб асосида, унга қўра:

йирик корхона ёки кластер раҳбари ёхуд у томонидан тайинланган бошқа шахс касб-хунар коллежи директори ҳисобланади ҳамда йирик корхоналар ва кластерлар маблағлари ҳисобидан коллеж ходимларига устамалар, қўшимча ҳақлар, мукофотлар ва бошқа рафбатлантирувчи тўловлар белгилашга ҳақли бўлади;

касб-хунар коллежларида ўрта бўғин мутахассисларни тайёрлаш муддати икки йилгacha, ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш муддати тўққиз ойгacha бўлган муддатни ташкил этади ва қонун хужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган Касб-хунар таълими йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификаторидан келиб чиқиб белгиланади;

касб-хунар коллежларида ўрта бўғин мутахассислар ва ишчи касблар бўйича кадрлар касб-хунар коллежларидаги назарий машғулотларни бевосита йирик корхоналар ва кластерларнинг махсус ташкил этилган ўқувишлаб чиқариш хоналарида ишлаб чиқаришга ўқитиш билан интеграциялаштириш принципи асосида тайёрланади;

йирик корхоналар ва кластерлар ўрта бўғин мутахассисларни ва ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлашни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази билан келишилган ҳолда биргаликда ташкил этиш учун бошқа корхоналарни ҳам жалб қилиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази касб-хунар коллежларида ўқув жараёнига методик раҳбарлик қиласи, уларнинг раҳбарлари ва ўқитувчилари малакасини оширади, шунингдек, касбий стандартлар ва малака талаблари асосида ўқув режалари ҳамда дастурларни тасдиқлайди;

йирик корхоналар ва кластерга биритирилган касб-хунар коллежларида ўқишни битиргач, давлат намунасидаги диплом ёки бошқа расмий хужжат берилади.

6. Белгилаб қўйилсинки, банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиш, касбий билим ва кўникумаларни баҳолаш ҳамда беришнинг замонавий стандартларини жорий этиш мақсадида касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникумаларни баҳолаш марказларини ташкил этишга доир лойиҳаларни амалга оширишда инвесторларга қўйидаги турдаги давлат ёрдами кўрсатилиши мумкин:

касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникумаларни баҳолаш марказларини куриш учун ер участкаларини бепул ажратиш;

касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникумаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш учун юклама даражаси паст бўлган ёки реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки қайта жиҳозлашни талаб қиласиган касб-хунар коллежлари бинолари ва иншоотларини ижарага бериш;

касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникумаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш учун фойдаланилмай турган бинолар ва иншоотларни инвесторларга ижара ҳақининг «ноль» ставкаси бўйича бериш;

банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиш марказларида Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклаши давлат жамғармаси ҳисобидан ўқитиш учун давлат буюртмасининг кафолатланган энг кам даражасини белгилаш.

7. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникумаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда ушбу карорнинг 6-бандига мувофиқ:

касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникумаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги инвесторлар билан битимлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижалари бўйича тузилади;

касбга ўқитиш марказларини ва билим ҳамда кўникумаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги келишувларга мувофиқ инвесторларга берилган ер участкалари ва кўчмас мулкни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири билан келишмасдан олиб қўйиш тақиқланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Касбий малакаларни ривожлантириш республика кенгаши (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади), шунингдек, давлат бошқаруви органлари ҳузурида касбий билим ҳамда кўникумаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари ташкил этилсин.

Қўйидагилар Республика кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникумаларни баҳолаш марказларида, жумладан, вақти-вақти билан ва танлов асосида текширувlar ҳамда ўрганишлар ташкил этиш орқали касбга ўқитишни, касбий би-

лим ҳамда кўникмаларни баҳолаш ва бериш жараёнининг сифатини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш марказларини аккредитациядан ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хуласалар бериш;

халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба ҳисобга олинган ҳолда, Касбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизимини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиши.

9. Белгилаб қўйилсинки:

касбий билим ва кўникмаларни баҳолаш ҳамда бериш имконини берадиган аниқ мутахассисликлар (каслар) бўйича касбий стандартлар касбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари томонидан меҳнат органлари ва касбий билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш марказлари билан биргаликда ишлаб чиқилади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига албатта экспертизадан ва рўйхатдан ўтказилади;

касбий билим ва кўникмалар ишончли баҳоланмагани ҳамда ноқонуний берилган ҳолатлар аниқланганда, Республика кенгаши Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига билим ва кўникмаларни баҳолаш марказлари аккредитациясини чақириб олиш ва берилган малака сертификатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимномалар киритади.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, йирик иш берувчи корхоналар томонидан «WorldSkills Uzbekistan» ишчи касбларни ривожлантириш ва оммалаштириш ассоциацияси (кейинги ўринларда Ассоциация деб аталади) ташкил этиш тўғрисида карор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

бир ой муддатда «WorldSkills International» халқаро ассоциациясига, шу жумладан расмий ариза юбориш ва музокаралар ташкил этиш орқали қўшилиш юзасидан зарур чоралар кўрсинг;

Тошкент шаҳри Яшнобод туманида эксперимент тарзида ташкил этилаётган банд бўлмаган аҳолига хизматлар кўрсатиш бўйича «Ишга марҳамат» мономаркази негизида «WorldSkills» методологиясига мувофиқ давлатхусусий шериклик шартлари асосида касбий билим ва кўникмаларни баҳолаш тизимини жорий этсан;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитишга, шунингдек, Ассоциацияни ташкил этиш ва унинг фаолиятини қўллаб-кувватлашга сарфланадиган харажатларни молиялаштириши таъминласин;

хорижий мамлакатларнинг касб-хунар ассоциациялари, касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўникмаларни баҳолаш марказлари билан ҳам-

корлик муносабатларини ўрнатиш, Ўзбекистон Республикасида уларнинг ваколатхоналарини очиш чораларини кўрсинг.

12. Ўзбекистон Республикасида 2019 — 2021 йилларда ишчи касбларни янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича тадбирлар режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан Касбий малака, билим ва кўнижмаларни ривожлантириш миллий тизимининг фаолиятини ташкил этиш, касбга ўқитиш марказлари ва билим ҳамда кўнижмаларни баҳолаш марказларини аккредитациядан ўтказиш тартиби, банд бўлмаган аҳолини Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўқитиши ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарорининг лойиҳасини, шунингдек, касбий стандартларни ишлаб чиқиш жадвалини Вазирлар Маҳкамаси киритсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж.А. Қўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 май,
394-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

374 Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш-да миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларини татбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, чет тилини билиш даражаси бўйича тегишли сертификатга эга бўлганabituriyentlarни қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг тақлифига мувофиқ 2019/2020 ўкув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига ўқишига кириш синовларида куйидаги имтиёзлар белгилансин:

а) тест синовлари (касбий (ижодий) имтиҳон) мажмуасига чет тили (инглиз, немис, француз, испан, турк, араб, форс, дари, хинд, урду, хитой, корейс, уйғур, итальян, япон тиллари) (кейинги ўринларда чет тили деб аталади) биринчи (асосий) фан сифатида киритилган бакалавриат таълим ўйналишларига хужжат топширган ва Давлат тест маркази томонидан бериладиган чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги сертификат (кейинги ўринларда миллий сертификат деб аталади) ёки халқаро сертификатнинг куйидаги даражаларига эга бўлганabituriyentlarга ушбу фандан имтиҳонларсиз белгиланган максимал балл берилади:

инглиз тили учун — миллий сертификат ёки International English Learning Testing System (IELTS 5,5), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 72), Cambridge Assessment English FCE халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

япон тили учун — миллий сертификат ёки Japanese Language Proficiency Test (JLPT № 2) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

немис тили учун — миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD), Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

француз тили учун — миллий сертификат ёки Diplôme d'Etudes en Langue Française (DELF), Test de Connaissance du Français (TCF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 майда эълон қилинган.

бошқа тиллар учун — миллий сертификат ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

б) тест синовлари (касбий (ижодий) имтиҳон) мажмуасига чет тили биринчи (асосий) бўлмаган фан сифатида киритилган бошқа бакалавриат таълим йўналишларига (Тошкент давлат юридик университети бакалавриат таълим йўналишлари бундан мустасно) ҳужжат топширган ва миллий ёки халқаро сертификатнинг қўйидаги даражаларига эга бўлган абитуриентларга ушбу фандан имтиҳонларсиз белгиланган максимал балл берилади:

инглиз тили учун — миллий сертификат ёки International English Learning Testing System (IELTS 4,5), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 42), Cambridge Assessment English PET халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B1 ва ундан юқори;

япон тили учун — миллий сертификат ёки Japanese Language Proficiency Test (JLPT № 3) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B1 ва ундан юқори;

немис тили учун — миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B1 ва ундан юқори;

француз тили учун — миллий сертификат ёки Diplfme d'Etudes en Langue Française (DELF), Test de Connaissance du Français (TCF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B1 ва ундан юқори;

бошқа тиллар учун — миллий сертификат ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B1 ва ундан юқори;

в) Тошкент давлат юридик университетининг бакалавриат таълим йўналишларига ҳужжат топширган ва миллий ёки халқаро сертификатнинг қўйидаги даражаларига эга бўлган абитуриентларга ушбу фандан имтиҳонларсиз белгиланган максимал балл берилади:

инглиз тили учун — миллий сертификат ёки International English Learning Testing System (IELTS 5,5 (бунда writing модулидан 5,5 балл)), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 72), Cambridge Assessment English FCE ва CAE халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

япон тили учун — миллий сертификат ёки Japanese Language Proficiency Test (JLPT № 2) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

немис тили учун — миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD II) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

француз тили учун — миллий сертификат ёки Diplfme d'Etudes en Langue Française (DELF), Test de Connaissance du Français (TCF4) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

бошқа тиллар учун — миллий сертификат ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

г) кириш синовлари (касбий (ижодий) имтиҳон) мажмуасига чет тили фани киритилган магистратура мутахассисликларига (Тошкент давлат юридик университети магистратура мутахассисликлари бундан мустасно) хужжат топширган миллий сертификат ёки халқаро сертификатнинг қўйидаги даражаларига эга бўлган талабгорларга мазкур фандан имтиҳонларсиз белгиланган максимал балл берилади:

инглиз тили учун — миллий сертификат ёки International English Learning Testing System (IELTS 5,5), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 72), Cambridge Assessment English FCE халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

япон тили учун — миллий сертификат ёки Japanese Language Proficiency Test (JLPT № 2) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

немис тили учун — миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD), Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

француз тили учун — миллий сертификат ёки Diplôme d'Etudes en Langue Française (DELF), Test de Connaissance du Français (TCF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

бошқа тиллар учун — миллий сертификат ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори.

Тошкент давлат юридик университетининг магистратура мутахассисликларига хужжат топширган ва миллий ёки халқаро сертификатларнинг тегишли даражаларига эга бўлган абитуриентларга Тошкент давлат юридик университети магистратурасига ўқишига қабул қилиш тартибиға мувофиқ чет тили фанидан имтиҳонларсиз белгиланган максимал балл берилади.

2. 2020/2021 ўкув йилидан бошлаб тест синовлари (касбий (ижодий) имтиҳон) мажмуасига чет тили фани киритилган барча бакалавриат таълим йўналишларига хужжат топширган ва миллий ёки халқаро сертификатнинг қўйидаги даражаларига эга бўлган абитуриентларга ушбу фандан имтиҳонларсиз белгиланган максимал балл берилиши назарда тутилсин:

инглиз тили учун — миллий сертификат ёки International English Learning Testing System (IELTS 5,5 (бунда Тошкент давлат юридик университети учун writing модулидан 5,5 балл)), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 72), Cambridge Assessment English FCE халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

япон тили учун — миллий сертификат ёки Japanese Language Proficiency Test (JLPT № 2) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

немис тили учун — миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD), Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

француз тили учун — миллий сертификат ёки Diplôme d'Etudes en Langue Française (DELF), Test de Connaissance du Français (TCF4) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юкори;

бошқа тиллар учун — миллий сертификат ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юкори.

3. 2019 йилга қадар Давлат тест маркази томонидан берилган миллий сертификатнинг имтиёзи ушбу сертификатларнинг амал қилиш муддати даврида сақланиб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсан.

5. Давлат тест маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази директори М.М. Каримов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 май,
395-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 13 майдаги 395-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартериш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 авгуstdаги 610-сон қарорининг 3-бандида:

- а) биринчи хатбошидаги «3» рақами «2» рақами билан алмаштирилсан;
- б) учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансан;
- в) бешинчи хатбоши учинчи хатбоши деб хисоблансан.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификати бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2013 йил 31 декабрдаги 352-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 12-сон, 97-модда) 1-иловасининг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

**«Чет тилини билиш даражасини аниклаш ва малака
сертификатини бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ»**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тиларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон қарорига мувофиқ чет тилларни билиш даражасини аниклаш ва давлат намунасидаги малака сертификатини бериш тартибини белгилайди.

2. Чет тилини билиш даражасини аниклаш ва давлат намунасидаги малака сертификатини (кейинги ўринларда сертификат деб аталади) бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади) томонидан тўлов асосида амалга оширилади.

Чет тилини билиш даражасини аниклаш ва сертификат бериш учун талабгор томонидан ариза берилган кундаги энг кам иш ҳақининг 1,5 баравари микдорида тўлов ундирилади.

3. Сертификат тест синовлари якунлари бўйича энг юкори баллнинг камида 60 фоизини тўплаган шахсларга 2 йил муддатга берилади.

2-боб. Чет тилини билиш даражасини аниклаш

4. Чет тилини билиш даражаси тест синови, ёзма иш ва оғзаки сухбат ўтказиш йўли билан аникланади, у қўйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

а) «tinglab тушуниш» бўлими — оғзаки нутқни қабул қилиш кўниммаларини, эшитилган матнлардаги асосий фикр ва детални тушуниш маҳоратини текширади;

б) «ўқиш» бўлими — ўқилган матнлардаги асосий фикр ва детални тушуниш маҳоратини текширади;

в) «лексик ва грамматик компетенциялар» бўлими — грамматик тузилишни ва луғат захирасини фарқлаш ҳамда улардан тўғри фойдаланиш маҳоратини текширади;

г) «ёзма иш» бўлими — тегишли даражадаги грамматик тузилишдан ва талаборнинг луғат захирасидан фойдаланган ҳолда берилган мавзулар бўйича бир-бири билан боғланган матнлар тузиш маҳоратини текширади;

д) «гапириш» бўлими — тегишли даражадаги грамматик тузилишдан ва луғат захирасидан фойдаланган ҳолда, берилган саволларга мос жавоб бериш ва ўз нұқтаи назарини асослаш маҳоратини текширади.

5. Тест синовини ўтказиш учун топшириклар Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартига мувофиқ ҳар бир даражага (A2, A2+, B1, B1+, B2, C1) учун Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилади.

6. Чет тилини билиш даражасини аниклаш юзасидан талабгорларни тест

синовига мустакил тайёрлаш учун зарур материаллар Давлат тест марказининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

7. Тест синовини ўтказиш тартиби Давлат тест маркази томонидан белгиланади.

**3-боб. Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича
тест синовини ташкил этиш**

8. Талабгор чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва сертификатни олиш мақсадида тест синовида қатнашишга рўйхатдан ўтиш учун Давлат тест марказининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти орқали онлайн ёки бевосита Давлат тест маркази ва унинг вилоятлардаги худудий бўлинмаларига (ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича) ариза билан мурожаат қиласди.

9. Куйидаги маълумотларнинг аниқлиги учун ариза берувчи шахсан жавобгар ҳисобланади:

шахсини тасдиқловчи хужжат (паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома) тўғрисида маълумот;

3,5 x 4,5 см ўлчамли рангли, орқа фони оқ рангдаги фотосурат;

чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификати олиш учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи хужжат.

Талабгор шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси ва тўлов тўланганлигини тасдиқловчи хужжат нусхалари ва 3,5 x 4,5 см ўлчамли фотосуратни Давлат тест марказига ёки Давлат тест марказининг худудий бўлинмаларига шахсан олиб келиб топширади.

Бунда Давлат тест маркази ходими томонидан шахсини тасдиқловчи хужжат асосида талабгорнинг электрон бармоқ изи ва фотосурати олиниб рўйхатдан ўтади.

10. Талабгорнинг тушган аризаси Давлат тест маркази томонидан етти иш куни мобайнида кўриб чиқилади. Тўғри расмийлаштирилган хужжатлар асосида талабгор рўйхатдан ўтказилади ҳамда тест синовига қўйиладиган талабгорлар рўйхатига киритилади. Рўйхатдан ўтказишида талабгорга тест синовидан ўтиш қоидалари тўғрисидаги эслатма берилади.

Зарур хужжатлар талаб даражасида расмийлаштирилмагандан, Давлат тест маркази бу тўғрисида талабгорнинг рўйхатдан ўтиш даврида кўрсатган электрон почтасига хабар юборади ёки телефон орқали талабгорни хабардор қиласди. Талабгор бир ҳафта мобайнида хужжатларни тўғри расмийлаштириш ва уларни Давлат тест марказига қайта тақдим этиш хукуқига эга.

11. Давлат тест маркази ходимлари томонидан ариза берувчилар тўғрисидаги шахсий маълумотлар маҳфийлиги таъминланади. Конун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан расмий мурожаат бўлган тақдирда ариза берувчилар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади.

12. Тест синовига қўйиладиган талабгорлар рўйхати, уни ўтказиш санаси ва жойи тўғрисидаги ахборот Давлат тест марказининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилинади. Тест синовини ўтказиш санаси у ўтказиладиган кундан камида бир ҳафта олдин эълон қилинади. Тест синовини ўтказиш жойи ва санаси Давлат тест маркази томонидан белгиланади.

13. Тест синови гурухларнинг шакллантирилишига қараб, талабгор рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб олти ҳафта ичидаги ўтказилади.

Талаборнинг тест синовида белгиланган ўтириш жойи Давлат тест маркази томонидан куръя ташлаш йўли билан аниқланади.

14. Тест синови бланкаларда ёки компьютерда, тегишли дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали масофадан ўтказилади. Тест синови Давлат тест маркази томонидан тасдиқланган имтиҳон комиссияси аъзолари ва кузатувчилар иштирокида ўтказилади.

Тест синови бланкаларда ўтказилганда икки босқичдан иборат бўлади. Бунда биринчи босқич «tinglab тушуниш», «ўқиш», «лексик ва грамматик компетенциялар», «ёзма иш» бўлимларидан, иккинчи босқич «гапириш» бўлимидан ташкил топади.

Тест тегишли дастурий таъминот асосида компьютерда ўтказилганда барча бўлиmlар қамраб олинган ҳолда бир босқичда амалга оширилади.

Тест синови интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали масофадан ўтказилганда, у Интернет тармоғидан фойдаланадиган давлат таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларида бўлиб ўтади. Тест синови Давлат тест маркази ходимининг раҳбарлигида ва кузатувида ўтказилади. Талабгорлар Давлат тест марказининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти орқали тизимда рўйхатдан ўтказилади ва улар бажариш учун тест синови топшириклидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Талаборларнинг тест синови топшириклирга жавоблари автоматик равишда, онлайн режимида Давлат тест марказининг маълумотлар базасига текшириш учун юборилади.

Тест синови вақтида ҳар бир иш жойида бир нафар талабгор ўтиради. Тест синовини ўтказиш жараёни видеотасвирга туширилади.

15. Тест синовини ўтказиш учун кузатувчилар жалб этилиши мумкин. Бундай ҳолларда улар билан шартнома тузилади.

16. «Тинглаб тушуниш», «ўқиш», «лексик ва грамматик компетенциялар», «ёзма иш» бўлиmlари бўйича билиmlар маҳсус дастурлар ёрдамида компьютерда текширилади. «Ёзма иш» ва «гапириш» бўлиmlари бўйича билиmlар имтиҳон комиссияси томонидан текширилади, натижалари расмийлаштирилади.

Имтиҳон комиссияси таркиби Давлат тест маркази директорининг буйруғи билан тасдиқланади, унга Давлат тест маркази ходимлари ва тажрибали педагоглар, малакали мутахассислар киритилади.

17. Талабор шахсини тасдиқловчи хужжат (паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома) асосида бармоқ изи текширилиб тест синовига қўйилади.

18. Тест синовларини ўтказиш вақти:

A2, A2+ даражаси учун — «tinglab тушуниш», «ўқиши», «лексик ва грамматик компетенциялар», «ёзма иш» учун — 150 дақиқа, «гапириш» учун — 10 дақиқа;

B1, B1+ даражаси учун — «tinglab тушуниш», «ўқиши», «лексик ва грамматик компетенциялар», «ёзма иш» учун — 185 дақиқа, «гапириш» учун — 15 дақиқа;

B2 даражаси учун — «tinglab тушуниш», «ўқиши», «лексик ва грамматик компетенциялар», «ёзма иш» учун — 200 дақиқа, «гапириш» учун — 15 дақиқа;

C1 даражаси учун — «tinglab тушуниш», «ўқиши», «лексик ва грамматик компетенциялар», «ёзма иш» учун — 210 дақиқа, гапириш учун 20 — дақиқани ташкил этади.

19. Тест синовлари формати: «Тинглаб тушуниш», «ўқиши», «лексик ва грамматик компетенциялар» бўлимларининг ҳар бири 30 та саволдан иборат бўлади;

«ёзма иш» бўлими A2, A2+, B1, B1+, B2 даражалари учун иккита ёзма топшириқдан, C1 даражаси учун учта ёзма топшириқдан (даражага боғлиқ ҳолда биринчи топшириқ — 30 — 150 та сўздан, иккинчи топшириқ — 50 — 250 та сўздан, учинчи топшириқ — 80 — 100 та сўздан);

«оғзаки сухбат» бўлими топшириқларнинг учта туридан иборат бўлади.

20. Тест синови ҳар бир бўлимнинг энг юқори баҳоси 30 баллни ва барча бўлимлар учун максимал баҳо 150 баллни ташкил этади.

21. Тест синови ўтказилаётган аудиторияга ҳар қандай адабиётни, телекоммуникация ва техника воситаларини олиб кириш қатъян ман этилади. Тест синови ўтказилаётган вақтда бошқа талабгорлар билан мулоқот қилишга, саволлар китоби варакларини йиритиб олишга, саволлар китобини бошқа талабгорларга беришга, тест синовини ўтказиш жараёнига халақит қилишга, тест синовлари тугагандан сўнг ёзишда давом этишга, бошқа талабгорга ҳеч қандай буюм узатишга руҳсат этилмайди. Ушбу талабларни бузган талабгор аудиториядан чиқариб юборилади ва тест синовидан ўтмаган деб ҳисобланади. Тест синовидан чиқариб юборилган талабгорлар тўғрисида ушбу Низомнинг 2-иловасидаги шакл бўйича далолатнома расмийлаштирилади.

22. Тест синовлари натижалари улар якунланган кундан бошлаб уч хафтадан кечикмай Давлат тест марказининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилинади.

23. Тест синови якунлари бўйича энг юқори баллнинг 60 фоизидан кам (90 баллдан кам) балл олган талабгор даража шартларини бажармаган деб ҳисобланади ва қайта қатнашиш учун, тест синовлари ўтказилган кундан бошлаб камида бир ойдан кейин, чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва сертификатни олиш учун белгиланган тартибда ариза билан мурожаат қилиб тўлов тўлаган тақдирда тест синовларига қўйилади.

4-боб. Тўлов шартлари

24. Талабгор Давлат тест марказининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида онлайн ариза тўлдиргандан сўнг, унинг электрон манзилига Давлат тест маркази томонидан электрон ариза ва тўловни амалга ошириш учун квитанция юборилади.

Тўлов исталган банк ёки амалдаги электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилиши мумкин.

25. Талабгор мазкур Низомнинг 9-бандида номлари келтирилган хужжатларни Давлат тест маркази ёки Давлат тест марказининг худудий бўлинмаларига топширганидан сўнг Давлат тест маркази ва талабгор ўртасида шартнома тузилган ҳисобланади.

26. Агар ариза берувчи турли сабабларга кўра тест синовларида иштирок эта олмайдиган бўлса, Давлат тест марказига тест синовлари ўтказиладиган кундан 7 кун аввал ёзма мурожаат этиши лозим. Бунда, талабгорнинг хоҳишига кўра навбатдаги тест синовларига киритилади ёки тўланган йифим 100 фоиз миқдорда талабгорга қайтарилади (тўлов амалдаги электрон тизим орқали амалга оширилганда, кўрсатилган хизмат учун ундирилган йифимдан ташқари).

Талабгор тест синовига кечиккан ёки узрсиз сабабга кўра келмаган ҳолларда, унинг аризасига биноан тўланган йифимнинг 50 фоиз миқдори қайтарилади.

27. Тест синови қоидаларини бузганлик учун аудиториядан чиқариб юборилган тақдирда амалга оширилган тўлов талабгорга қайтарилмайди.

28. Узрли сабабга кўра тест синовларида қатнаша олмаган талабгор тест синовлари тугаган кундан бошлаб беш иш кунида ушбу ҳолатни тасдиқловчи хужжатларни Давлат тест марказига бевосита ёки электрон тарзда тақдим этиши лозим.

Талабгор кечиккан тақдирда тест синовига кўйилмайди. Агар талабгор тест синовига узрли сабабга кўра (тегишли хужжат билан тасдиқланганда) келмаганда, унинг аризаси асосида унга навбатдаги тест синовидан (гапириш кўникмаси учун бошқа вақтда) ўтишга рухсат этилади. Тест синовини бошқа вақтга кўчириш тўғрисидаги қарор Давлат тест маркази томонидан қабул қилинади.

29. Тест синови ўтказилиши жараёнида талабгорнинг фақат битта чет тилидан тест топширишига рухсат этилади.

5-боб. Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби

30. Тест натижаларидан норози бўлган талабгор Давлат тест марказига апелляция тақдим этиш ҳукуқига эга. Апелляция тест синови натижалари эълон килинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида, ушбу Низомнинг З-иловасига мувофиқ ёзма ёки электрон шаклда тақдим этилади.

31. Апелляцияни кўриб чиқиш учун Давлат тест маркази директори нинг буйруғи билан 5 — 7 нафар Давлат тест маркази ходимлари ва таъ-

лим тизими педагогларидан иборат бўлган Апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция икки ҳафта мобайнида кўриб чиқилади. Талабгор Апелляция комиссияси қарори тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

Талабгор Апелляция комиссияси қароридан норози бўлганда, судга мурожаат қилиш ҳукукига эга.

32. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

тест синови натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляциянинг қондирилишини рад этиш;

тест синовлари натижаларини ўзгартириш ва апелляцияни қондириш;

тест натижаларини бекор қилиш ва такрорий тест синови ўтказилишини тайинлаш.

Агар талабгор томонидан кўрсатилган далиллар тасдиқланмаса, апелляциянинг қондирилишини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Тест синови натижаларини бекор қилиш тўғрисидаги қарор ушбу Низом талаблари бузилган холда ўтказилган тақдирда қабул қилинади. Апелляция комиссиясининг қарорлари ушбу Низомнинг 4-иlovасига мувофиқ расмийлаштирилади.

Талабгорни такрорий тест синовидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Давлат тест маркази тест синовини ўтказиш санасини белгилайди ва тест синовини такроран ўтказишда тўлов ундирилмайди.

33. Такрорий апелляцияга йўл қўйилмайди.

6-боб. Чет тилини билиш даражаси тўғрисида давлат намунасидаги малака сертификатини бериш тартиби

34. Тест синовидан муваффақиятли ўтган талабгорга тест синови натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта мобайнида, Давлат тест маркази буйруги асосида сертификат берилади.

35. Сертификат қатъий ҳисобот юритиладиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Бланкалар Давлат тест маркази буюртмасига биноан, босмахона усулида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади. Давлат тест маркази директори сертификатлар бланкаларининг ҳисобга олиниши, уларнинг сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан белгилangan тартибда шахсан жавобгар бўлади.

36. Давлат тест маркази сертификатлар реестрини юритади.

Сертификатлар реестрида қўйидагилар кўрсатилиши лозим:
талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

паспорт маълумотлари (серияси ва тартиб раками, паспортнинг ким томонидан ва қачон берилганлиги) ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳно-

маси маълумотлари (тартиб рақами, гувоҳноманинг ким томонидан ва қачон берилганлиги);

Давлат тест марказининг сертификат бериш тўғрисидаги буйруғининг санаси ва тартиб рақами;

сертификатнинг хисобга олиш серияси ва тартиб рақами;

сертификатнинг берилган санаси;

сертификатнинг амал қилиш муддати.

37. Сертификат паспорт кўрсатилган тақдирда, шахсан талабгорга ёки талабгорнинг нотариал тасдиқланган ишончномаси асосида бошқа шахсга берилади.

38. Йўқолган, талабгорнинг айби билан маълумотлар нотўғри киритилган ёки яроқсиз ҳолга келган сертификат ўрнига талабгорнинг аризасига кўра дубликат берилади.

Сертификатнинг эгаси малака сертификати йўқолганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради ҳамда Давлат тест марказига дубликат бериш тўғрисидаги ариза ва дубликат берилганлиги учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга оммавий ахборот воситаларидағи эълоннинг тасдигини тақдим этади (талабгорнинг айби билан нотўғри киритилган маълумотлар учун ариза берганлар бундан мустасно).

Сертификатнинг дубликати малака сертификатининг янги бланкасида «Дубликат» ёзуви мажбурий кўрсатилган ҳолда, айнан олдинги тартиб рақами ҳамда илгари белгиланган амал қилиш муддати билан берилади.

Яроқсиз ҳолга келган сертификат Давлат тест марказига қайтарилади.

Малака сертификатининг дубликати берилганлиги учун энг кам иш хақининг 50 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

39. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

40. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ
БҮЙРУГИ

375 *Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
13 майдага рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3019-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофик, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 14 майдаги 122-сон бўйруғи (рўйхат рақами 3019, 2018 йил 1 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 22-сон, 466-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қўмондон

Б. ТАШМАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 апрель,
80-сон

* Ушбу бўйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 майдага эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси қўмондонининг 2019 йил
19 апрелдаги 80-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-
техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш
тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрик ўтказиш тўғрисидаги низом» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3147, 2019 йил 3 апрель)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 15-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Тинч ва ҳарбий даврда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий кўрикдан ўтиш тўғрисидаги низомга» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3147, 2019 йил 3 апрель)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

376 **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишига кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3096-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Мудофаа вазирлиги қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Мудофаа вазирлигининг 2018 йил 30 октябрдаги 16/30-сон қарори (рўйхат рақами 3096, 2018 йил 5 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2018 й., 49-сон, 944-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишига кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандидаги «Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқ ўтказиш тўғрисидаги низомга» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга» сўзларига алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Миллий гвардия қўмандони

Б. ТАШМАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 апрель,
14-сон

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 апрель,
16-сон

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 майданда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИННИГ
 ҚАРОРИ

377 «Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солик ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2697-2

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Кўйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 23 июндаги 54, ЭГ-01/14-3170, 96, 2015-17, 01-02/8-16-сон «Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солик ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2697, 2015 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 375-мода);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 5 июндаги 67, 2017/09-09, 133, 2017-21, 01-02/8-21-сон «Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солик ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзgartiriшлар ки-

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 майда эълон қилинган.

ритиш тўғрисида»ги карори (рўйхат раками 2697-1, 2017 йил 13 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 506-модда).

2. Мазкур карор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 22 апрель,
54-сон

**Инвестициялар ва ташқи
савдо вазири****С. УМУРЗАКОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 22 апрель,
2019/31-1-сон

Иқтисодиёт ва саноат вазири**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 22 апрель,
7-сон

**Давлат солик
қўмитаси раиси****Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 22 апрель,
2019-18-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси****М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 22 апрель,
01-02/8-23-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИНГ
ҚАРОРИ

378 Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 905-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда 429-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 905, 2000 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 5-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
5/24-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
16 марта 5/24-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан
қўйиладиган талаблар тўғрисида низомга ўзгартириш ва
қўшимчалар киритиш ҳақида**

1. 2-банднинг иккинчи хатбоиси рус тилидаги матни «соотношение между» деган сўзлардан кейин «долгосрочными и» деган сўзлар билан тўлдирисин.

2. 2.9-банdda:

биринчи хатбоидан учинчи жумла чиқариб ташлансин;

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 майда эълон қилинган.

куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жисмоний шахсларга берилган истеъмол кредитлари ва қарзларнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаш мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ тартибда амалга оширилади.»;

иккинчи — тўртинчи хатбошилар учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда илова билан тўлдирилсин.

Тижорат банклари кредит сиёсатига
нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида
низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчаларга
ИЛОВА

«Тижорат банклари кредит сиёсатига
нисбатан қўйиладиган талаблар
тўғрисида низомга
ИЛОВА

Истеъмол кредитлари ва қарзларининг тўлиқ қийматини ҳисоблаш ТАРТИБИ

Мазкур Тартиб жисмоний шахслар — истеъмолчиларга (бундан буён матнда қарз олувчилар деб юритилади) берилган истеъмол кредитлари ва қарзларнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Мазкур Тартибда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
кредит ёки қарзнинг тўлиқ қиймати (бундан буён матнда КТҚ деб юритилади) — истеъмол кредити ёки қарз олиш билан боғлик тўловларининг ҳаққоний, йиллик ва самарали ҳисоблашдаги фоиз ставкаси ҳамда тўлиқ қиймати;

шартнома — тижорат банклари ва уларнинг филиаллари (бундан буён матнда банклар деб юритилади) томонидан қарз олувчиларга пул маблағларини тўловлилиқ, муддатлилик ва қайтаришлилик шартлари асосида берилишини назарда тутувчи кредит ёки қарз шартномаси.

2. КТҚни ҳисоблаб чиқишида қарз олувчининг қўйидаги тўловлари ҳисобга олинади:

а) асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловлар;

б) банк фойдасига амалга ошириладиган тўловлар — агар бундай тўловлар шартнома шартларига мувофиқ қарз олувчининг мажбуриятларига кирса ва/ёки кредит ёки қарз берилиши бундай тўловларнинг амалга оширилиши билан боғлик бўлса;

в) учинчи шахслар фойдасига амалга ошириладиган тўловлар, агар бундай тўловлар шартнома шартларига мувофиқ қарз олувчининг мажбуриятларига кирса, шу жумладан қўйидаги тўловлар:

суурита ташкилоти фойдасига амалга оширилган тўловлар, агар суурита шартномаси бўйича суурита ходисаси юзага келган тақдирда наф олувчи бўлиб банк ҳисобланса;

қарз олувчининг мажбуриятлари таъминотига қабул қилинган ва гаровга қўювчининг ихтиёрида қоладиган гаров предметини гаров шартномаси бўйича суурита қилишда қарз олувчи томонидан суурита ташкилотининг фойдасига амалга оширилган тўловлар;

қарз олувчи томонидан кафолат (кафиллик) олиш учун кафолат берувчига (кафилга), шунингдек гаровга топширилаётган мулкни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотга тўланган тўловлар;

мижозларни жалб қилиш, улар томонидан кредит ёки қарз олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни текшириш, ушбу ҳужжатларни банкка топшириш, кредит ёки қарзларни қоплаш ҳисобига банк мижозларидан тўловлар ва пул ўтказмаларини қабул қилиш бўйича банкка хизмат кўрсатадиган ташкилотлар (воситачилар) ҳисобига амалга оширилган тўловлар.

Банк томонидан КТҚ кўрсаткичининг ҳисоб-китоби шартнома муддати тугагунга қадар мазкур бандда назарда тутилган барча тўловларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

3. КТҚ ҳисоб-китобига қўйидагилар киритилмайди:

а) қарз олувчининг учинчи шахслар фойдасига амалга оширадиган тўловлари, мазкур Тартибнинг 2-бандида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно;

б) қарз олувчининг шартнома шартларини бажарилмаслиги билан боғлиқ тўловлари, шу жумладан неустойка ва бошқа турдаги жарималар.

в) банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда берилган кредитлар (қарзлар) бўйича тўловлар, хусусан:

валюта ҳисобварағидан (ажратилган кредит валютасидан) фарқли ўлароқ, бошқа валютада амалга оширилган операциялар бўйича ундирилган комиссиялар;

банк картасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ комиссиялар;

кредит (карз) суммаларини банкоматлардан фойдаланган ҳолда нақд пулда олганлиги учун тўланган комиссиялар.

4. Банклар қўйидаги ҳолларда КТҚни ҳисоблаб чиқишлиари шарт:

а) шартнома тузилганда;

б) кредит ёки қарз олиш истагини билдирган қарз олувчиларга кредит ёки қарз олиш шартлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш вақтида. Агар маълумотлар тақдим этиш вақтида мазкур Тартибнинг 2-бандида назарда тутилган айрим тўловлар миқдорини аниқлаш имкони бўлмаса, у ҳолда банк томонидан унга маълум бўлган шу турдаги тўловларга амал қилиши ҳамда кредит ёки қарз олиш истагини билдирган қарз олувчиларга шу тўловларнинг манбаларини ошкор қилиши лозим (масалан, КТҚни ҳисоблашда тарифларидан фойдаланилган суурита компаниясининг номи ва бошқалар).

5. КТҚни ҳисоблашда қарз олувчининг кредит ёки қарз бўйича амалга ошириб бўлган тўловлари улар ҳақиқатда тўланган вақтда, келажакда амалга

оширадиган тўловлари эса, шартнома тузилган санада маълум бўлган кредит ёки қарз бериш шартларига асосан тўловларни тўлаш жадвали бўйича хисобга олинади.

Агар гаров предметини суғурталаниши шартнома тузилган санадан кейин амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда банк қарз олувчидан суғурта компаниясига амалга оширилиши мўлжалланаётган тўлов суммасини аниглаши ва шу суммадан келиб чиқсан ҳолда КТҚни хисоблаб чиқиши шарт.

6. Агар кредит ёки қарзнинг фоиз ставкаси базавий кўрсаткичларга (Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси, инфляция даражаси ва бошқалар) боғланган бўлса, у ҳолда банк КТҚни хисоблашда шу кундаги базавий кўрсаткичларнинг миқдоридан фойдаланади.

7. Банклар КТҚни дастурий воситаларидан фойдаланган ҳолда хисоблайди. Бунда, Microsoft EXCEL дастурининг ЧИСТВНДОХ функциясидан фойдаланиш тавсия этилади (агар Microsoft EXCELнинг версияси инглиз тилида бўлса, у ҳолда XIRR функцияси).

8. Банклар ўзларининг расмий веб сайтларида потенциал қарз олувчиликларга КТҚни мустақил хисоблаб чиқиш имкониятини яратиб беришлири лозим. Бунда банклар КТҚнинг хисоб-китоб тартибини ва уни хисоблаб чиқищдаги тўловларнинг рўйхатини ошкор қилишлари керак.

9. КТҚни хисоблашда вергулдан кейин бир белгигача яхлит қилиб хисобланади. Агар вергулдан кейинги иккинчи белги «5» га teng ва ундан юкори бўлса, у ҳолда иккинчи белги бир бирликка оширилади.

Масалан: КТҚ кўрсаткичи 18,66 ни ташкил қилди. У яхлит қилиб хисоблангач — 18,7 ҳосил бўлади.

10. Банклар КТҚнинг миқдорини қарз олувчилар билан тузиладиган шартномаларда кўрсатишлари шарт. КТҚ миқдори шартноманинг биринчи варафининг ўнг юкори бурчагида, квадрат шаклдаги рамка ичига, оқ фонда кора ранг билан, 16 ўлчамдан кам бўлмаган яхши ўқиладиган шрифт билан, ракам ва сўзлар билан ёзилади.

11. Банклар қарздорга КТҚ миқдори тўғрисидаги маълумот билан бирга, шартнома тузиш пайтида унинг мутлақ қийматини, яъни кредит ёки қарзнинг асосий қиймати, фоизлари, комиссиян ва бошқа тўловлар, шу жумладан амалдаги таърифлар бўйича учинчи шахс фойдасига тўланадиган тўловларни, агар бундай тўловлар қарздорнинг мажбурияти бўйича шартнома шартларидан келиб чиқадиган бўлса, уларни алохида кўрсатган ҳолда ёзма маълумот тақдим этади.

12. Банклар оммавий ахборот воситалари орқали кредит ёки қарз тўғрисидаги маълумотларни эълон қилганларида, ушбу эълонда банкка мурожаат этилганида мижозларга кредит ёки қарз олиш билан боғлиқ КТҚни хисоблаб берилиши хақида ахборот беришлари лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

**379 Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни
 жалб қилувчи корхоналар учун солик имтиёзларини
 қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар кири-
 тиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2822-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари хамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ва 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2016 йил 9 августдаги 61, 2016-24, 121-сон қарори (рўйхат рақами 2822, 2016 йил 26 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 34-сон, 407-модда) билан тасдиқланган Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солик имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
 2019 йил 15 апрель,
 52-сон

**Давлат солик
 қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
 2019 йил 15 апрель,
 2019-19-сон

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 майда эълон қилинган.

Иқтисодиёт ва саноат вазири**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 15 апрель,
8-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва
Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг
2019 йил 15 апрелдаги 52, 2019-19 ва
8-сон қарорига
ИЛОВА

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни
жалб қилувчи корхоналар учун солик имтиёзларини
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадан «ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 1-банддан бешинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.
3. 6-банднинг биринчи хатбошисидан «ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
4. 7-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидан ва 2-иловадан «ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
5. 9-банддан «ва мажбурий ажратмалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
6. 3 ва 4-иловалардан «М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИНГ
ҚАРОРИ

380 **Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг
Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос
ракам бериш ҳамда банк ҳисобвараклари рўйхатини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1863-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва 2019 йил 20 мартағи ЎРҚ-531-сон «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 18/6-сон қарори (рўйхат рақами 1863, 2008 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 40-41-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос ракам бериш ҳамда банк ҳисобвараклари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк
раиси в. в. б.**

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 апрель,
7/5-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
15 апрелдаги 7/5-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг
Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам
бериш ҳамда банк ҳисобвараклари рўйхатини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 48-банднинг «в» кичик бандидаги «икки» ва «учинчи» деган сўзлар тегишли равища «уч» ва «тўртинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-иловада:

ўн иккинчи хатбошидаги «икки кун муддатда» деган сўзлар «уч банк иш куни муддатида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма учинчи хатбошидаги «Солиқ кодекси 96-моддасида белгиланган асосларда давлат солиқ хизмати органининг аризасига кўра суд қарорига мувофиқ ушбу» деган сўзлар «Солиқ кодексига асосан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма тўртинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«22» белги — илгари «21» белги билан солиқ тўловчининг банклардағи операциялар тўхтатилган ҳисобвараклари қайта ҳаракатга келтирилган ҳолларда, асосий депозит ҳисобваракқа хизмат кўрсатувчи банк томонидан БДМАБ орқали Давлат солиқ қўмитасига ва барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга узатилади.».

3. 8-иловадаги «икки кун муддатда» деган сўзлар «уч банк иш куни муддатида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси

**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳукуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**

**2019 йил 11 майдан 17 майгача
бўлган маълумотни маълум қиласи**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2019 йил 19 апрелдаги 80-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги буйруфи.

2019 йил 13 майдан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3019-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги 14, 16-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш хақида»ги қарори.

2019 йил 13 майдан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3096-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 22 апрелдаги 54, 2019/31-1, 7, 2019-18, 01-02/8-23-сон «Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солик ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 13 майдан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2697-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартағи 5/24-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори.

2019 йил 14 майдан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 905-5.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 15 апрелдаги 52, 2019-19,

8-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2822-3.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 15 апрелдаги 7/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобвараклари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1863-7.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг «Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2697, 2015 йил 14 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2697-1, 2017 йил 13 июнь).

Адлия вазирининг 2019 йил 13 майдаги 218-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.